



Бош илмий-методик
марказ

ФАРГОНА
ДАВЛАТУНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ
КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ
ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШ МИНТАҚАВИЙ
МАРКАЗИ



“ЎЗБЕКИСТОНДА ТАРИХИЙ-ДЕМОГРАФИК
ЖАРАЁНЛАР”

МОДУЛИ БЎЙИЧА
ЎҚУВ –УСЛУБИЙ МАЖМУА

С.В. Йўлдошев тарих
фанлари бўйичафалсафа
доктори (PhD)

2021

Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил декабрдаги 648-сонли буйруги билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди ва ФарДУ Илмий кенгашининг 2020 йил «28» декабрдаги 2-сонли қарори билан тасдиқланган.

Тузувчилар: С.В. Йўлдошев – ФарДУ тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Тақризчилар: М.Х. Исомиддинов – ФарДУ тарих фанлари доктори, профессор

А.М.Салмонов – ФарДУ тарих фанлари номзоди, доцент

МУНДАРИЖА

I.	ИШЧИ ДАСТУР	4
II.	МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ	19
III.	НАЗАРИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ	37
IV.	АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ	90
V.	ГЛОССАРИЙ	117
VI.	ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	135

I. ИШЧИ ЎҚУВ ДАСТУРИ КИРИШ

Дастур Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда тасдиқланган “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармонлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарорларида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиқкан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илгор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш қўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қиласди.

II. Модулнинг мақсади ва вазифалари

“Ўзбекистонда тарихий-демографик жараёнлар” модулининг мақсади, педагог кадрларининг ўқув-тарбиявий жараёнларни юксак илмий-методик даражада таъминлашлари учун зарур бўладиган касбий билим, қўникма ва малакаларини мунтазам янгилаш, малака талаблари, ўқув режа ва дастурлари асосида уларнинг касбий компетентлиги ва педагогик маҳоратини доимий ривожланишини таъминлашдан иборат.

“Ўзбекистонда тарихий-демографик жараёнлар” модулининг вазифалари:

- “Ўзбекистон тарихи” йўналишида педагог кадрларнинг касбий билим, кўникма, малакаларини узлуксиз янгилаш ва ривожлантириш механизмларини яратиш;
- замонавий талабларга мос ҳолда олий таълимнинг сифатини таъминлаш учун зарур бўлган педагогларнинг касбий компетентлик даражасини ошириш;
- педагог кадрлар томонидан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали ўзлаштирилишини таъминлаш;
- маҳсус фанлар соҳасидаги ўқитишнинг инновацион технологиялари ва илғор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш;
- “Ўзбекистон тарихи” йўналишида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг фан ва ишлаб чиқариш билан интеграциясини таъминлаш.

Курс якунида тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакалари

ҳамда компетентлигига қўйиладиган талаблар:

“Ўзбекистонда тарихий-демографик жараёнлар”фани бўйича тингловчилар куйидаги янги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларга эга бўлишлари талаб этилади:

Тингловчи:

- фаннинг предмети, назарий-методологик асослари, манбалари, тарих ва тарихий хотиранинг миллий ўзликни англашдаги аҳамияти;
- “Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолини рўйхатга олишни ўtkазиш Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони республика аҳолиси ва унинг фаровонлиги тўғрисидаги ишончли маълумот, узоқ муддатли прогнозлар ва давлатнинг ижтимоий-иктисодий ривожланиш мақсадли дастурларини;

- барқарор ривожланиш Миллий мақсадлари индикаторларини шакллантириш, меҳнат ресурслари жойлашуви ва улардан фойдаланиш жараёнларини;
- Тарихий демография – демографик жараёнларнинг мамлакатлар ва халқлар тарихидаги динамикаси ва ҳолатини, демография фанини ривожланиши тарихини ўрганадиган фанлараро йўналишни;
- Ўзбекистонда мустақиллик йилларида демографик жараёнлардаги ўзгаришлар: аҳоли ўсиши ва жойлашиши, аҳоли ёш таркибига таъсирини;
- Республикада урбанизациянинг ривожланиш хусусиятларини;
- Глобаллашув даврида Ўзбекистон жаҳон миграция жараёнларининг ажralmas қисми сифатида. Меҳнат миграцияси. Кўпмиллатли Ўзбекистон ва демографик жараёнлар, давлат миллий сиёсатининг ўрни, унинг асосий тамойиллари. Мустақиллик йиллари демографик жараёнлардаги ўзгаришларнинг аҳоли ёш таркибига таъсирини;
- Республикани янада ривожлантиришнинг стратегик йўналишларини **билиши керак.**

Тингловчи:

- Ижтимоий фанларни ўқитиш бўйича янги технологияларни амалиётда қўллаш;
- “Ўзбекистонда тарихий-демографик жараёнлар” фани бўйича маъруза, амалий машғулот ва назорат ишларини ташкил этиш;
- педагогик жараёнда мулокот услубларини тўғри қўллай олиш **кўникмаларига эга бўлиши лозим.**

Тингловчи:

- “Ўзбекистонда тарихий-демографик жараёнлар” фаннининг замонавий йўналишларини ишлаб чиқиш ва оммалаштириш;

– Ижтимоий фанларни турли соҳаларга татбиқ қилиш ва дастурлар пакети ёрдамида ечишнинг замонавий усулларини қўллаш **малакаларига эга бўлиши лозим.**

Тингловчи:

- ижтимоий фанларнинг дастурлар пакетини ўқув жараёнига татбиқ этиш;
- ижтимоий фанларни дастурлар пакети ёрдамида ечишнинг замонавий масалаларини таҳлил қила олиш;
- Ўзбекистон тарихига оид масалаларни ечишда замонавий технологиялар ва усуллардан фойдалана олиш;
- ижтимоий фанлар соҳасида касбий фаолият юритиш учун зарур бўлган билим, кўникма, малака ва шахсий сифатларга эга бўлиш;
- илғор ахборот-технологияларида ишлаш;
- видеодарсларни тайёрлаш;
- эгалланган тажрибани танқидий кўриб чиқиши қобилияти, зарур бўлгандага ўз касбий фаолиятининг тури ва характеристини ўзгартира олиш;
- ижтимоий фанларда тизимли таҳлил усулидан фойдаланиш йўлларини ишлаб чиқиши;
- Мустақил Ўзбекистондаги ислоҳотларнинг назарий концептуал асослари, инновацияларни таълим тизимига тадбиқ этилиши, янгича қараш ва ёндашувларга оид замонавий манбалардан фойдалана, тарихий-демографик жараёнларни таҳлил қила олиш олиш **компетенцияларига эга бўлиши лозим.**

Модул бўйича соатлар тақсимоти:

		Тингловчининг ўқув юкламаси, соат					
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юкламаси			Жумладан	
			Жами	Назарий	Амалий мангулот	Кўчма мангулот	Мустакил тальим
1.	“Ўзбекистонда тарихий-демографик жараёнлар” фанининг предмети, мақсад ва вазифалари. Фанинг манбашунослиги ва тарихшунослиги	2	2	2			
2.	“Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Узоқ муддатли прогнозлар ва давлатнинг ижтимоий-иктисодий ривожланиш мақсадли дастурлари.	2	2	2			
3.	Иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурларини ишлаб чиқиш, барқарор ривожланиш Миллий мақсадлари индикаторларини шакллантириш омиллари.	2	2	2			
4.	Мехнат ресурслари жойлашуви ва улардан фойдаланиш жараёнларини ўрганиш, илмий тадқиқотлар олиб бориш учун муҳим пойdevor сифатида.	2	2	2			
5.	Тарихий демография – демографик жараёнларнинг мамлакатлар ва халқлар тарихидаги динамикаси ва ҳолатини, демография фанини ривожланиши тарихини ўрганадиган фанлараро йўналиш.	2	2		2		
6.	Ўзбекистонда мустақиллик йилларида демографик жараёнлардаги ўзгаришлар: аҳоли ўсиши ва жойлашиши, аҳоли ёш таркибига таъсири. Республикада урбанизациянинг ривожланиш хусусиятлари.	2	2		2		
7.	Глобаллашув даврида Ўзбекистон жаҳон миграция жараёнларининг ажralмас қисми сифатида. Мехнат миграцияси.	2	2		2		
8.	“Кўпмиллатли Ўзбекистон ва демографик жараёнлар, давлат миллий сиёсатининг ўрни, унинг асосий тамойиллари.	2	2		2		
9.	Мустақиллик йиллари демографик жараёнлардаги ўзгаришларнинг аҳоли ёш таркибига таъсири.	2	2		2		
	Жами:	18	18	8	10		

НАЗАРИЙ МАШФУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу: “Ўзбекистондатарихий-демографик жараёнлар” фанининг предмети, мақсад ва вазифалари. Фаннинг манбашунослиги ва тарихшунослиги (2 соат)

Режа:

1. Фанининг предмети, мақсад ва вазифалари.
2. Фаннинг манбашунослиги ва тарихшунослиги

Дарсда “Ўзбекистондатарихий-демографик жараёнлар” фанининг назарий-концептуал асоси Ўзбекистон Республикасининг Президентининг асарлари эканлиги кўплаб манбалар ва мисоллар асосида тушунтирилади. Назарий концептуал асоснинг натижалари тушунтирилади.

2-мавзу: “Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони.

Узоқ муддатли прогнозлар ва давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш мақсадли дастурлари. (2 соат)

Режа:

1. Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони.
2. Узоқ муддатли прогнозлар ва давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш мақсадли дастурлари

“Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони республика аҳолиси ва унинг фаровонлиги тўғрисидаги ишончли маълумот, узоқ муддатли прогнозлар ва давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш мақсадли дастурларини ўрганиш.

3-мавзу: Иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурларини ишлаб чиқиш, барқарор ривожланиш Миллий мақсадлари индикаторларини шакллантириш омиллари. (2 соат)

Режа:

1. Иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурларини ишлаб чиқиш ва барқарор ривожлантириш
2. Миллий мақсадлари индикаторларини шакллантириш.
3. Мехнат ресурслари жойлашуви ва улардан фойдаланиш жараёнларини ўрганиш, илмий тадқиқотлар олиб бориш учун муҳим пойдевор сифатида.

Иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурларини ишлаб чиқиш, барқарор ривожланиш Миллий мақсадлари индикаторларини шакллантириш, меҳнат ресурслари жойлашуви ва улардан фойдаланиш жараёнларини ўрганиш, илмий тадқиқотлар олиб бориш учун муҳим пойдевор сифатида.

4-мавзу: Мехнат ресурслари жойлашуви ва улардан фойдаланиш жараёнларини ўрганиш, илмий тадқиқотлар олиб бориш учун муҳим пойдевор сифатида. (2 соат)

Режа:

1. Мехнат ресурслари жойлашуви ва улардан фойдаланиш жараёнларининг омиллари
2. Мехнат ресурслари жойлашуви ва улардан фойдаланишнинг илмий услублари ҳамда йўллари.

Мехнат ресурслари жойлашуви ва улардан фойдаланиш жараёнларини ўрганиш, илмий тадқиқотлар олиб бориш обеъкти сифатида ўрганиш.

АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАР

1-мавзу: Тарихий демография – демографик жараёнларнинг мамлакатлар ва халқлар тарихидаги динамикаси ва ҳолатини, демография фанини ривожланиши тарихини ўрганадиган фанлараро йўналиш. (2 соат)

Режа:

1. Тарихий демография – демографик жараёнларнинг мамлакатлар ва халқлар тарихидаги динамикаси ва ҳолатини.
2. Демография фанини ривожланиши тарихини ўрганадиган фанлараро йўналишлар.

Тарихий демография – демографик жараёнларнинг мамлакатлар ва халқлар тарихидаги динамикаси ва ҳолатини, демография фанини ривожланиши тарихини ўрганадиган фанлараро йўналишлар тўғрисида илмий – амалий маълумотлар.

2-мавзу: Ўзбекистонда мустақиллик йилларида демографик жараёнлардаги ўзгаришлар: аҳоли ўсиши ва жойлашиши, аҳоли ёш таркибига таъсири. Республикада урбанизациянинг ривожланиш хусусиятлари. (2 соат)

Режа:

1. Мустақиллик йилларида демографик жараёнлардаги ўзгаришлар
2. Аҳоли ўсиши ва жойлашиши, аҳоли ёш таркибига таъсири.
3. Республикада урбанизациянинг ривожланиш хусусиятлари.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида демографик жараёнлардаги ўзгаришлар: аҳоли ўсиши ва жойлашиши, аҳоли ёш таркибига таъсири. Республикада урбанизациянинг ривожланиш хусусиятлари.

3-мавзу: Глобаллашув даврида Ўзбекистон жаҳон миграция жараёнларининг ажралмас қисми сифатида. Меҳнат миграцияси.2 соат)

Режа:

1. Глобаллашув даврида Ўзбекистон жаҳон миграция жараёнларининг ажралмас қисми сифатида.
2. Меҳнат миграцияси.

Глобаллашув даврида Ўзбекистон жаҳон миграция жараёнларининг ажралмас қисми сифатида. Меҳнат миграцияси сиёсатининг ўзига хос хусусияти.

4-мавзу: Кўпмиллатли Ўзбекистон ва демографик жараёнлар, давлат миллий сиёсатининг ўрни, унинг асосий тамойиллари. (2 соат)

Режа:

1. Ўзбекистон ва демографик жараёнлар.
2. Давлат миллий сиёсатининг ўрни, унинг асосий тамойиллари.

Кўпмиллатли Ўзбекистон ва демографик жараёнлар, давлат миллий сиёсатининг ўрни, унинг асосий тамойиллари. Миллатлараро тотувлик ва толерантлик.

5-мавзу: Мустақиллик йиллари демографик жараёнлардаги ўзгаришларнинг аҳоли ёш таркибига таъсири. (2 соат)

Режа:

1. Мустақиллик йиллари демографик жараёнлардаги ўзгаришларнинг аҳоли ёш таркибига таъсири.
2. Ўзбекистонда давлат бошқарувининг янги, замонавий ва самарали тизимининг шаклланиши ва ривожланиб бориши.
3. Ўзбекистон мустақиллиги ҳуқуқий асосларининг яратилиши.

Мустақиллик йиллари демографик жараёнлардаги ўзгаришларнинг аҳоли ёш таркибига таъсири. Ўзбекистонда давлат бошқарувининг янги, замонавий ва самарали тизимининг шаклланиши ва ривожланиб бориши. Ўзбекистон мустақиллиги ҳуқуқий асосларининг яратилиши.

АДАБИЁТЛАРРҮЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 592 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – 507 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2019. – 400 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2020. – 400 б.

II. Норматив-хуқуқий ҳужжатлар

6. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018.
7. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муасасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сонли Фармони.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли Қарори.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сонли Фармони.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги

“Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармони.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги “2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятини ривожлантири чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сонли Қарори.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармони.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 августдаги 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгacha ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майдагидаги “Қадимиёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2995-сонли Қарори.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 декабрдаги “Моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4068-сонли Қарори.

III. Махсус адабиётлар

1. Allison S. (Ed.). History of Europe: Series B: Middle ages. – Oxford: Oxford University Press, 2020. – 1243 p.
2. Allison S. (Ed.). History of Europe: Series C: New Era. – Oxford: Oxford University Press, 2020. – 1243 p.
3. Avery P. The Cambridge History of Iran. – Cambridge: Cambridge University Press, 2020. – 871 p.

4. Bayly S. The Cambridge History of India. – Cambridge: Cambridge University Press, 2020. – 1093 p.
5. Bose S. The New Cambridge History of Asia. – Cambridge: Cambridge University Press, 2 part. 2020. – 2062 p.
6. Brundage A. Going to the Sources: A Guide to Historical Research and Writing. – Oxford: John Wiley & Sons, 2017.
7. Bunch B., Hellemans A. The history of science and technology. – Boston – New York, 2004.
8. Burton A. (Ed.). History of the world from ancient to modern times: Europe.– Cambridge: Harvard University Press, 2019. – 1487 p.
9. Burton A. (Ed.). History of the world from ancient to modern times: North and South America.– Cambridge: Harvard University Press, 2019. – 1084 p.
10. Collins R. The Arab Conquest of Spain, 710–797. – Oxford: Blackwell Publishing, 2018.
11. David Spencer “Gateway”, Students book, Macmillan 2012.
13. English for academics. Cambridge University Press and British Council Russia, 2014. Book 1,2.
12. Grant E. A Source Book in Medieval Science. – Cambridge: Harvard University Press, 2016. – 587 p. (Reprint).
13. H.Q. Mitchell, Marileni Malkogianni “PIONEER”, B1, B2, MM Publications. 2015. 191.
14. Haskins C. H. Studies in the History of Mediaeval Science. – New York: Frederick Ungar Publishing, 2019. (Reprint).
15. Haskins C. H. The Renaissance of the Twelfth Century.– Cambridge: Harvard University Press, 2018. (Reprint).
16. Huntington S.P. The Clash of Civilizations and the Remaking of World Order. – New York: Simon and Schuster, 2017. – 358 p.
17. Mahmudov O. The beginning of the European renaissance // International Journal of Research and Development. 2020. – Vol. 5 (7). Pp. 104-108. DOI: <https://doi.org/10.36713/epra4787>

- 18.Makhmudov O.V. The Toledo School – early center of investigation of the works Central Asian scholars in the Europe. – Saarbrucken: Lambert Academic Publishing, 2017.– p. 193.
14. Natalie Denmeade. Gamification with Moodle. Packt Publishing - ebooksAccoun 2015. - 134 pp.
- 19.Roberts J.M., Westad O.A. The History of the World. – Oxford: Oxford University Press, 2020. – 1260 p.
- 20.Sarton G. Introduction to the History of Science. – Vol. 1. From Homer to Omar Khayyam. – Oxford: John Wiley & Sons, 2019. (Reprint).
- 21.Sarton G. Introduction to the History of Science. – Vol. 2. From Rabbi ben Ezra to Roger Bacon, Parts I-II. – Baltimore: Carnegie Institution of Washington, 2020. (Reprint).
- 22.Starr F. Lost Enlightenment: Central Asia's Golden Age from the Arab Conquest to Tamerlane. – Princeton: Princeton University Press, 2015.
- 23.Watt W. M. The influence of Islam on medieval Europe. (Islamic Surveys 9). – Edinburgh: Edinburgh University Press, 2020. (Reprint).
15. William Rice. Moodle E-Learning Course Development - Third Edition. Packt Publishing - ebooks Account; 3 editions 2015. - 350 pp.
- 24.Айдын Ариф оглы А. Хроники мусульманских государств I – VII веков хиджры. – Москва: Умма, 2018. – 448 с.
- 25.Алимова Д.А. История как история, история как наука. Т. I. История и историческое сознание. – Т.: Узбекистон, 2008.
- 26.Белогуров А.Ю. Модернизация процесса подготовки педагога в контексте инновационного развития общества: Монография. — М.: МАКС Пресс, 2016. — 116 с. ISBN 978-5-317-05412-0.
- 27.Большаков О. Г. История Халифата. – Т. 4. Апогей и падение арабского Халифата. – Москва: Восточная литература, 2018. – 368 с.
- 28.Габриэльян С. И. История стран Азии и Африки в новое время. – Ташкент, 2012.

- 29.Гулобод Қудратуллоҳ қизи, Р.Ишмуҳамедов, М.Нормуҳаммедова. Анъанавий ва ноанъанавий таълим. – Самарқанд: “Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази” нашриёти, 2019. 312 б.
- 30.Европа мамлакалари ва АҚШ 1640–1918 йилларда. /А.Холлиев таҳрири остида.–Тошкент: Университет, 2010.
- 31.Ибраимов А.Е. Масофавий ўқитишининг дидактик тизими. методик қўлланма/ тузувчи. А.Е.Ибраимов. – Тошкент: “Lesson press”, 2020. 112 бет.
- 32.История новейшего времени стран Европы и Америки в 1945 – 2000 гг. / под ред. Е.Языкова. – Москва: Наука, 2015.
- 33.История новейшего времени стран Европы и Америки в 1945 – 2000 гг. II часть / под ред. Н.А.Родригес. – Москва: Наука, 2014.
- 34.История средних веков. / под ред. С.П.Карпова. – 1-2 ч. – Москва: МГУ, 2018.
- 35.Ишмуҳамедов Р.Ж., М.Мирсолиева. Ўқув жараёнида инновацион таълим технологиялари. – Т.: «Fan va texnologiya», 2014. 60 б.
- 36.Лученкова Е., Мядель А. История науки и техники. – М.: Litres, 2017. – 431 с.
16. Матёқубов Х.Х. Хоразм воҳаси бронза асри ва илк темир даври тарихи. – Тошкент. 2017.
- 37.Моммзен Т. История Рима. – М.: Litres, 2020. – 591 с.
- 38.Муслимов Н.Ава бошқалар. Инновацион таълим технологиялари. Ўқув-методик қўлланма. – Т.: “Sano-standart”, 2015. – 208 б.
- 39.Немировский А., Никишин В., Ладынин И., Новиков С. История древнего мира. Восток, Греция, Рим. – М.: Litres, 2020. – 786 с.
- 40.Проблемы истории и междисциплинарного синтеза. – М.: Litres, 2019. – 561 с.
- 41.Ртвеладзе Э.В. История государственности Узбекистана. – Тошкент: Узбекистан, 2009.
- 42.Русина Ю.А. Методология источниковедения. – Екатеринбург, 2015.

- 43.Усмонов Б.Ш., Ҳабибуллаев Р.А. Олий ўқув юртларида ўқув жараёнини кредит-модуль тизимида ташкил қилиш.–Т.: “ТКТИ” нашриёти, 2019.
- 44.Ханников А. Техника: от древности до наших дней. – М.: Litres, 2020. – 384 с.
- 45.Холиқулова Х. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда имконияти чекланган шахсларни ҳимоя қилиш сиёсати. – Тошкент. Mumtoz so’z, 2017.
- 46.Шейпак А. История науки и техники. – М.: Litres, 2020. – 513 с.

IV. Интернет сайтылар

47. Ўзбекистон Республикаси Олийваўтамахсустаълимвазирлиги:
www.edu.uz.
48. Бош илмий-методик марказ: www.bimm.uz
49. www.Ziyonet.uz
50. Ўзбекистон Республикаси Президентининграсмийсайти: www.gov.uz
51. Ўзбекистон Республикаси Олийваўтамахсустаълимвазирлигининграсмийсайти: <http://www.edu.uz/modules/wfchannel>
52. “Халқсўзи” газетаси – [wwwinfo XS. Uz](http://wwwinfo.XS.Uz).
53. “Туркистон” газетаси – wwwturkistonsarkor.uz.
54. “Маърифат” журнали – wwwma'rifat-inform.
55. “Жамиятвабошқарув” журнали – wwwrzultacademyfreenetuz.
56. “Мозийдан садо” журнали – www.mozijy-dostlink.net

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

**Юқоридаги мавзуларга тайёргарлик қўришда тавсия қилинган
интерфаол методларни илова сифатида киритдик.**

1-илова

1. Таълим воситаларининг классификацияси.

Ижтимоий воқелик таълимни бошқариш муаммоларини кўриб чиқиш ва ҳал қилишни мустақил йўналиш сифатида ажратиб олиш, таълим-тарбия жараёнини бошқаришнинг асосланган усул, воситаларини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш заруратини белгилаб берди. Унинг ўқитиши, тарбиялаш ва ривожлантириш ўртасидаги ташкилий-бошқарув, ахборот алоқалари, ижтимоий жиҳатдан аҳамиятга молик шахсни шакллантиришдаги яхлит жараённинг таркибий қисмлари сифатини оширди.

Бугунги кунда эркин ва мустақил фикрловчи, ижтимоий-сиёсий ҳаётда онгли равища фаол иштирок этишга қодир ёш авлодни шакллантириш «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» нинг асосий устувор йўналишидир. Бу эса мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётига демократик асосларини жорий этишни, фуқаролик жамияти ва ҳукуқий давлат қуришни тезлаштириш имконини беради. Дастур таълим муассасалари мустақиллигини кенгайтириш орқали таълим бошқарувини демократлаштиришни ўз ичига олади.

Инсониятнинг ривожланиш даврлари алмашганда педагогик технологиялар бутунлай йўқ бўлиб кетмайди, балки педагогик технологиялар кейинги даврларга ассотсиатсия орқали фикран боғ'ланади, янги сифатлар, хусусиятларга эга бўлиб, кучаяди ва бойийди. Ушбу жараён борган сари тезлашиб боради.

Кишилик тарихида 1-босқич узоқ муддат давом этган. Унда ўқитувчи ўз кучига, ўз билим ва маҳоратига асосланиб иш бажарган. Кейинчалик дунёвий ва диний мазмундаги қўлёзма китоблар яратилди, лекин ўқувчи уларнинг мазмунини ўқитувчи фаолияти воситасида ўзлаштиради.

2-босқич дарсликлар яратиш ва улардан фойдаланиш технологияси мукаммал ривожланмаган, лекин ўқитишининг 1,2,3-босқичлариға хос таълим воситалари мактабларга жадал кириб бормоқда.

Ўкув адабиётларини жорий этиш қарама-қаршиликлар кўраши натижасида содир бўлган. Кейинги даврларда ҳам таълим соҳасидаги жиддий ўзгаришлар осон кечмаган. Бугунги кунда ҳам 1-босқич технологияси руҳида шаклланган айrim педагогларда кейинги даврларда вужудга келган ўкув воситаларини ўзлаштириб олишга, таълим-тарбия жараёнини шу асосда ташкил этишга интилиш суст даражада. 1-босқич ўкув воситалари ўқитувчидан кўп меҳнат талаб этади ва ўқувчининг билим, тайёргарлик даражаси юқори бўлмайди. Бу педагогик босқичларнинг ҳар бирида таълим методлари такомиллаштирила борганлиги туфайли ўқитувчи меҳнатининг самараси ортиб, замонавий технологияни қўллайдиганлар сафи кенгая борган.

Таълим воситалари олтига турга бўлинади:

- 1. Матнли воситалар.**
- 2. Тасвирили воситалар.**
- 3. Аудио визуал воситалар.**
- 4. Ёрдамчи (жихоз) воситалар.**
- 5. Моделли воситалар.**
- 6. Реал воситалар.**

•**Матнли воситалар-**Ўқитувчи ва ўқувчилар учун: ўкув предметини ўқитиши методикаси бўйича қўлланмалар, шахсий методика, ўқитувчилар томонидан тайёрланган методик ишланмалар, мантиқий структуралар, фан дарсликлари, мавзу юзасидан келиб чиқкан ҳолда тарихий бадий адабиётлар, фан бўйича маъruzалар матни.

•**Тасвирили воситалар-** ўкув материалини кўргазмали намойиш этишга, уни тизимли этказиб беришга ёрдам беради; талабаларга ўкув

материалини тушунишларига ва яхши эслаб қолишлирига имкон беради (видеопроектор, Видофильмлар, расмлар, ҳайкаллар, портрет).


- **Аудио визуал воситалар**-Матнга овоз бериш, Лингафон воситалари, радио эшилтиришларидан фойдаланиш, стенограмма матреаллари, турли хилдаги дисклар ва ҳакозолар.
- **Ёрдамчи (жихоз) воситалар**- Графопроектор, Доска-блокнот, Доска-стенд, Флипчарт, ва бошқалар).
- **Моделли воситалар**- графиклар, чизмалар, схема, хариталар
- **Реал воситалар**- тарих дарсларида музей экспонатлари, макет ва муляжлар, археологик матреаллар, тарихий обектлар.

2-илюва

2. Таълим воситаларини танлашни аниқловчи омиллар, график организерлар.

Таълим воситаларини танлашни аниқловчи омиллар: мақсадни белгилаш; ўқув ахборот мазмуни; таълим воситалари; етакчи билим манбаи; ўқув материалининг янгилиги ва мураккаблиги.

Графикли организерлар техникаси



Графикли органайзерлар (ташкил этувчи) – фикрий жараёнларни күргазмали тақдим этиш воситаси.

Маълумотларни таркиблаштириш ва таркибий бўлиб чиқиш, ўрганилаётган тушунчалар (воқеа ва ҳодисалар, мавзулар) ўртасидаги алоқа ва ўзаро боғлиқликни ўрнатиш усул ва воситалари: **Кластер, Тоифалаш жадвали, Инсерт, Б/БХ/Б жадвали**

Маълумотларни таҳлил қилиш, солишириш ва таққослаш усул ва воситалари: **Т-жадвали, Венн диаграммаси**

Муаммони аниқлаш, уни ҳал этиш, таҳлил қилиш ва режалаштириш усуллари ва воситалари: **«Нима учун?», «Балиқ скелети», «Погона», «Қандай?» иерархик диаграммаси ва ҳ.к.**

З-илова

Кластер

КЛАСТЕР
(Кластер-тутам, боғлам)-
ахборот харитасини тузиш
йўли-барча тузилманинг
моҳиятини марказлаштириш
ва аниқлаш учун қандайдир
бирор асосий омил атрофидан
гояларни йигиши.

Билимларни
фаоллаштиришни
тезлаштиради, фикрлаш
жараёнига мавзу бўйича янги
ўзаро боғланишли
тасаввурларни эркин ва очик
жалб қилишга ёрдам беради.

Кластерни тузиш қоидаси билан
танишадилар. Ёзув тахтаси ёки катта коғоз
варағининг ўртасига асосий сўз ёки 1-2 сўздан
иборат бўлган мавзу номи ёзилади


Бирикма бўйича асосий сўз билан унинг
ёнида мавзу билан боғлик сўз ва таклифлар
кичик доирачалар “йўлдошлар” ёзилади.
Уларни “асосий” сўз билан чизиқлар ёрдамида
бираштирилади. Бу “йўлдошларда” “кичик
йўлдошлар” бўлиши мумкин. Ёзув ажратилган
вакт давомида ёки гоялар тугагунича давом
этиши мумкин.

Мухокама учун кластерлар билан
алмашинадилар.

Кластерни түзиш қоидаси

1. Ақлингизга нима келса, барчасини ёзинг. Гоялари сифатини муҳокама қилманг фақат уларни ёзинг.
2. Хатни тұхтатадиган имло хатоларига ва бошқа омылларға эътибор берманг.
3. Ажратылған вақт тугагунча ёзишиңи тұхтатманг. Агарда ақлингиздағы яғынан келиши бирдан тұхтаса, у қолда қачонки яңғының көлемінде көмеге жеткізу мүмкін.

7



ТОИФАЛАШ ЖАДВАЛИ

ТОИФАЛАШ ЖАДВАЛИ

Тоифа-хусусият ва муносабатларни мухимлигини намоён килувчи (умумий) аломат.

Ажратилган аломатлар асосида олингандан маълумотларни бирлаштириши таъминлади.

Тизимли фикрлаш, маълумотларни тузилмага келтириш, тизимлаштириш кўнималарини ривожлантиради.

Тоифали шарҳлашни тузиш қоидаси билан танишадилар. Ақлий хужум / кластер тузиш/ янги ўқув материали билан танишишдан сўнг, кичик гурухларда, олинган маълумот лавҳаларини бирлаштириш имконини берадиган тоифаларни излайдилар.

Тоифаларни жадвал кўринишида расмийлаштирадилар. Фояларни / маълумотларни тоифага мос равища бўладилар. Иш жараёнида тоифаларнинг айrim номлари ўзгариши мумкин. Янгилари пайдо бўлиши мумкин.

Иш натижаларининг тақдимоти

5-илова

Тоифалаш шарҳини тузиш қоидаси

1. Тоифалар бўйича маълумотларни тақсимлашнинг ягона усули мавжуд эмас.
2. Битта мини - гуруҳда тоифаларга ажратиш бошқа гуруҳда ажратилган тоифалардан фарқ қилиши мумкин.
3. Таълим олувчиларга олдиндан тайёрлаб қўйилган тоифаларни бериш мумкин эмас бу уларнинг мустақил танлови бўла қолсин.

ТОИФАЛАШ ЖАДВАЛИ

Дастурий таъминот

Тизимли дастурий таъминот	Амалий дастурлар пакетлари	Дастурлаш тиллари
<p>1. Операцион тизимлар:</p> <ul style="list-style-type: none">■ MS DOS■ Linux■ Windows■ Unix <p>2. Сервис дастурлар:</p> <ul style="list-style-type: none">■ Антивирус дастурлари■ Утилитлар■ Оболочки■ Архиваторлар ва х.к..	<p>1. МББТ</p> <p>2. Матн мухарирлар</p> <p>3. Электрон жадваллар</p> <p>4. График мухарирлар</p> <p>5. Таржимачилар</p> <p>6. Муаммога мўжалланган ва х.к..</p>	<p>1. Паскаль</p> <p>2. Delphi</p> <p>3. СИ++</p> <p>4. Бейсик</p> <p>5. Java</p> <p>6. PHP ва х.к.</p>

10

б-илова

ИНСЕРТ ЖАДВАЛИ

График ташкил этувчининг тури, аҳамияти ва хусусиятлари

Ўқув фаолиятини ташкиллаштиришнинг жараёнли тузилмаси

“ИНСЕРТ” жадвали
Мустақил ўқиши вақтида олган маълумотларни, эшигтан маърузаларни тизимлаштиришини таъминлайди; олинган маълумотни тасдиқлаш, аниқлаш, четга чиқиш, кузатиш. Аввал ўзлаштирган маълумотларни боғлаш қобилиятини шакллантиришига ёрдам беради

Инсерт жадвалини тўлдириш қоидаси билан танишадилар. Алоҳида ўзлари тўлдирадилар

Ўқиш жараёнида олинган маълумотларни алоҳида ўзлари тизимлаштирадилар - жадвал устунларига “киритадилар” матнда белгиланган кўйидаги белгиларга мувофик:
“V” - мен билган маълумотларга мос;
“-“ - мен билган маълумотларга зид;
“+” - мен учун янги маълумот;
“?” - мен учун тушунарсиз ёки маълумотни аниқлаш, тўлдириш талаб этилади

Инсерт

- V - биламан
- (-) - түғри келмади
- (+) - янги ахборот
- (?) - тушунмадим

V	+	-	?

7-илова

Б/БХ/Б ЖАДВАЛИ

Б/БХ/Б ЖАДВАЛИ-
Биламан/ Билишни
хоҳлайман/ Билиб олдим.
Мавзуу, матн, бўлим
бўйича изланувчиликни
олиб бориш имконини
беради.
Тизимли
тузилмага
таҳлил
кўникмаларини
ривожлантиради.

Жадвални тузиш қоидаси билан
танишадилар. Алоҳида /кичик
гурӯҳларда жадвални
расмийлаштирадилар.

“Мавзу бўйича нималарни биласиз” ва
“Нимани билишни хоҳлайсиз” деган
саволларга жавоб берадилар (олдиндаги
иш учун йўналтирувчи асос яратиласди).
Жадвалнинг 1 ва 2 бўлимларини
тўлдирадилар.

Маърузани тинглайдилар, мустақил
ўқийдилар.

Мустақил/кичик
жадвалнинг 3 гурӯҳларда
бўлимни
тўлдирадилар

Б/БХ/Б ЖАДВАЛИ

Биламан	Билишни хөхлайман	Билиб олдим

16

T – жадвал

T – жадвал қоидалари танишилади.
Якка тартибда расмийлаштирилади

T – жадвал
- бита концепция
(маълумот)нинг жиҳати
ўзаро солиштириш ёки
уларни (ҳа/йўқ, ҳа/қарши)
учун.
Танқидий мушоҳада
ривожлантиради

Ажратилган вақт оралиғида тартибда
(жуфтликда) тўлдиради, унинг чап
томонига сабаблари ёзилади, ўнг
томонига эса чап томонда ифода
қарама – қарши foялар, омиллар ва
шу кабилар.

Жадваллар жуфтликда (гуруҳда)
таққосланиши тўлдирилиши

Барча ўқув гуруҳи ягона T – тузади.

Т-ЖАДВАЛ «Тест назорати» Ютуғи Камчилиги

- Ватқни тежалиши
- Фронтал ҳолда иш олиб бориш имкони
- Мантқий фикрни ривожлантириш.
- Баҳолаш қулай
- Нутқнинг ривожлан- маслиги.
- Мулоқотнинг йўқлиги.
- Ҳамкорликда фаолиятнинг йўқлиги.
- Педагогик муносабатнинг йўқлиги.

9-илова

ВЕНН ДИАГРАММАСИ

**ВЕНН
ДИАГРАММАСИ - 2 ва
3 жиҳатларни хамда
умумий томонларини
солишишириш ёки
такқослаш ёки қарама-
карши кўйиш учун
кўлланилади.
Тизимли фикрлаш,
солишишириш, такқослаш,
таҳлил қилиш
кўникмаларини
ривожлантиради.**

Венн диаграммасини тузиш коидаси билан танишадилар. Алоҳида кичик гурӯхларда Венн диаграммасини тузадилар ва кесиshmайдиган жойларни (x) тўлдирадилар

Жуфтликларга бирлашадилар,
ўзларининг диаграммаларини
такқослайдилар ва тўлдирадилар

Доираларни кесишувчи жойида,
икки-уч доиралар учун умумий бўлган,
маълумотлар рўйхатини тузади.

«Венн» диаграммаси

- 2 объектни, тушунчани, ғояни, ҳодисани таққослаш фаолиятини ташкил этиш жараёнида ишлатилади.

10-илова

“Нима учун” схемаси


“Нима учун” схемасини тузиш коидаси билан танишадилар. Алоҳида/кичик гурхларда муаммони ифодалайдилар. “Нима учун” сўргуни берадилар ва чизадилар, шу саволга жавоб ёзадилар. Бу жараён муаммонинг дастлабки сабаби аникланмагунича давом этади.

“Нима учун” схемаси- муаммонинг дастлабки сабабларини аниклаш бўйича фикрлар занжири.

Тизимли, ижодий, тахлилий фикрларни ривожлантиради ва фаоллаштиради.

Кичик гурхларга бирлашадилар, таққосладилар, ўзларининг чизмларини тўлдирадилар. Умумий чизмага келтирадилар.

Иш натижаларининг тақдимоти



«Нима учун?» чизмасини тузиш қоидалари

1. Айланы ёки түгри түртбұрчак шаклардан фойдаланышни ўзингиз танлайсиз.
2. Чизманинг күринишини - мұлоҳазалар занжисирини түгри чизиқтими, түгри чизиқту эмаслигини ўзингиз танлайсиз.
3. Ынналии күрсаткичлари сизнинг қидирударларингизни: дастлабки ҳолатдан изланишигача бүлгап үйналишингизни белгилайди.

11-илова


“Балиқ скелети” чизмаси

Чизмани тузиш қоидаси билан танишадилар. Алохіда/кічик гурұхларда іюкори “суяғида” кічик муаммони ифодалайды, пастда эса, ушбу кічик муаммолар мавжудлігini тасдиқловчи далиллар ёзилади


Кічик гурұхларга бирлашадилар, таққосладилар, ўзларининг чизмларини тұлдирадилар. Умумий чизмага келтирадилар.

Иш натижаларининг тақдимоти


“Балиқ скелети” чизмаси
Бир катор муаммоларни тасвирлаш ва уни ечиши имконини беради.
Тизимли фикрлаш, тузилмага келтириш, таҳлил қилиш күнікмаларини ривожлантиради



12-илова



25



Тузилмавий-мантиқий чизма “Погона”ни қуриш қоидалари

1. «Погона»ни тузии жараёнида тизимли схеманинг таркибий қисми ва элементларини силжитиш мумкин – бу у ёки бу ҳолатни қайта фикрлаш имконини беради.
2. Агарда сиз гояларни ишлаб чиқишида тор йўлакка кириб қолсангиз, у ҳолда бир-икки даражса юқорига қайтинг ва муҳим нарсани унутмаганингизга ҳамда бошқача нимадир қилиши мумкин эканлигини кўриб чиқиниг.
3. Сиз чапдан ўнгга ёзишга ўргангансиз. «Каскад» қуришини ўнгдан чапга қараб тузишга ҳаракат қилинг. Бунинг учун асосий гояни чап тарафда эмас, балки ўнг тарафда жойлаштиринг.

26

13-илова

«Қандай» технологияси

- Муаммони қандай ҳал этиш мумкин эканлиги муҳокама қилинади
- Қандай?

«Қандай?» диаграммасини қуриш қоидалари

1. Күпгина ҳолларда муаммони ечишида “німа қилиш керак”ligи тұғрисида ўйланиб қолмаслигингиз керак. Асосан муаммо, уни ечишида “буны қандай қилиш керак?”, “қандай”асосий саволлар юзага келишидан иборат бўлади.

“Қандай” саволларининг изчил берилшии қуйидагилар имконини беради: муаммони ечиши нафақат бор имкониятларни, балки уларни амалга ошириши ўйларини ҳам тадқиқ қилиши;

қуйидан юкорига боскичма-боскич бўйсунадиган фоялар тузилмасини аниклайдилар. Диаграмма стратегик даражадаги саволлар билан ишлашни бошлайди. Муаммони ечишининг пастки даражаси биринчи галдаги ҳаракатларнинг рўйхатига мос келади.

1. Барча гояларни ўйлаб ўтириласдан, баҳоламасдан ва таққосламасдан тезликда ёзиш керак;

Диаграмма ҳеч қачон тугалланган бўлмайди: унга янги гояларни киритиш мумкин; Агарда чизмада савол унинг “шохларида” бир неча бор қайтарилса, унда у бирор муҳимликни англатади. У муаммони ечишининг асосийси бўлиши мумкин;

Янги гояларни график кўринишіда: дараҳт ёки каскад кўринишидами, юқоридан пастгами ёки чапдан ўнгда қайд қилиншишини ўзингиз ҳал этасиз;

Агарда сиз ўзингизга тўғри саволлар берсангиз ва унинг ривожланиши йўналишини намоён бўлишида ишончни сақласангиз, диаграмма, сиз ҳар қандай муаммони амалий жиҳатдан ечимини топишингизни кафолатлайди

<p>3. Muammoli vaziyatni tahlil qilish</p>	<p>Asosiy muammo va kichik muammolarga diqqatingizni jalb qiling.</p> <ul style="list-style-type: none"> Asosiy muammo: . Мехнат ресурслари sabablari va uning mohiyatini tahlil eting. <p>Quyidagi savollarga javob berishga harakat qiling.</p> <ol style="list-style-type: none"> Мехнат ресурслари таркиби неча кисмдан иборат? Аҳолининг ижтимоий таркиби нима? Демографик структуралар нималар киради? Davlat funktsiyalarini anilang? <p>Asosiy muammo nimaga qaratilganini aniqlang. Muammoning asosiy mazmunini ajratib oling. Muammoli vaziyatni tahlil qilish – ob’ektning holatini aniqlang, asosiy qirralariga e’tibor qarating, muammoli vaziyatning hamma tomonlarini tahlil qiling.</p>
--	---


“Muammoli vaziyat” jadvalini to’ldiring


Vaziyatdagi muammolar Turi	Muammoli vaziyatning kelib chiqish sabablari	Hal etilgan xulosalar
Мехнат ресурслари деб нимага айтилади?		

Этнодемография

Этноэкология

«Нима учун» органайзери





**Тўлдирилган жадвал (ўқитувчи олдиндан тўлдиради – талаба қўлига
берилмайди)**

Муаммоли вазият	Муаммоли вазиятнинг келиб чиқиш сабаблари
Республиканинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, мутахассис олимлар томонидан вилоят ёки вилоятлар даражасидаги қандай маъмурий-худудий бирликларга ажратадилар?	Республиканинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, мутахассис олимлар томонидан вилоят ёки вилоятлар даражасидаги маъмурий-худудий бирликлар сифатида 6 та минтақага ажратадилар: Тошкент (Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти); Мирзачўл (Сирдарё ва Жиззах вилоятлари); Фарғона (Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари); Зарафшон (Самарқанд, Бухоро, Навоий вилоятлари); Куйи Амударё (Хоразм вилояти ва ҚҚР); Жанубий (Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари) минтақалардир.

III. НАЗАРИЙМАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1-мавзу: “Ўзбекистондатарихий-демографик жараёнлар” фанининг предмети, мақсад ва вазифалари. Фанинг манбашунослиги ва тарихшунослиги(2 соат)

РЕЖА:

1. Фанинг предмети, мақсад ва вазифалари.
2. Фанинг манбашунослиги ва тарихшунослиги

Таянч сўзлар” предмети, мақсад ва вазифалари, назарий-концептуал асоси, манбашунослик, тарихшунослик,

1. Фанинг предмети, мақсад ва вазифалари

Сайёрамизнинг демографик тарихига назар ташланса, аҳолининг энг тез суръат билан кўпайиб борган даври XX асрга тўғри келар экан. Аср бошида, яъни 1900 йил курраи замин аҳолиси 1,6 млрд. кишини ташкил этган эди. Аср охирида яъни, 1999 йили бу кўрсаткич 6 млрд.га етди. Ёки XX асрнинг ўзида дунё аҳолиси деряли 4 баробарга ошди. Бундай ҳолатни, аҳолиш унослар, буюк демографик инқилоб деб, атадилар.

Илмий манбаларда, ер юзида аҳолининг кўпайиб бориши (ўсиш суръати, бир мунча секинлашсада) XXI асрнинг ўрталарига қадар давом этиши ва унинг сони 10 миллиаррдан ошиши ҳақида маълумотлар мавжуд. Аҳолининг бундай тез суръат билан ўсиши, ер шаридаги табиий ресурсларнинг чекланганлиги шароитида қатор глобал муаммоларни келтириб чиқаради. Лекин ерюзининг барча ҳудудларида, давлатларда аҳолининг кўпайиб бориши ўзига хос ҳусусиятларга эгадир. Бу ҳолат ҳар бир ҳудуднинг ижтимоий - иқтисодий ривожланиши таъсирида шаклланган демографик

вазиятга боғлиқдир. Аҳоли ўсиши бўйича биринчи ўринда Осиё мамлакатлари туради ва улар дунё аҳолиси ўсишининг 2/3 қисмини ташкил этади.

Дунё аҳолисида Осиё мамлакатлари аҳолисининг салмоғи 1950 - 2000 ийларда 56 фоиздан 61 фоизга ўсди. Африка мамлакатлари эса аҳоли ўсиши бўйича, иккинчи ўринда туради. Дунё аҳолисининг кўпайиб боришида Африка аҳолисининг салмоғи 13 фоизни ташкил этмоқда. Америка, Австралия ва Океания мамлакатлари аҳолиси ўсиши бўйича дунёда ўртacha мавқени эгаллайди. Бу жараён бўйича Европа ҳудуди охирги ўриндадир. Ҳар бир ҳудуддаги демографик вазият, демографик жараёнлар (туғилиш, ўлим, никоҳ ва ажралиш) хусусиятларига боғлиқдир. Демографик жараёнлар эса ўз навбатида жуда кўп ижтимоий - иқтисодий омиллар таъсирида содир бўлади. Қайси бир ҳудудда демографик жараёнлар керакли мезонда, яъни нормал даражада бўлса, ижтимоий - иқтисодий мухитни ҳисобгаолган ҳолда фаолият кўрсатса ижти моий - иқтисодий ва демографик муаммолар келиб чиқмайди.

Туғилишни юқори, ўлимни паст даражада бўлиши аҳоли сонининг тез суръат билан кўпайиб боришига олиб келади. Бундай ҳолат тез суръат билап кўпайиб бораётган аҳолини озиқ - овқат, кийим - кечак, турар -жой, иш ўринлари билан таъминлаш каби иқтисодий муаммолар юзага келади. Ана шу муаммолар ижобий ҳал этилмаган ҳолатда эса "аҳоли ортиқчалиги" каби демографик муаммо содир бўлади.

Ўзбекистонда табиий-географик, иқтисодий ва ижтимоий-демографик, аҳоли миграцияси ва бошқа турли шароитларнинг мавжудлиги бу республикада минтақавий сиёsat юритилишини тақозо этади. Мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, иқтисодиётни модернизациялаш шароитида минтақаларнинг табиий, ижтимоий-иқтисодий ва демографик тараққиётида аҳоли, хусусан инсон омили масаласи, унинг турмуш тарзини ҳисобга олиш давлат сиёсатида устувор вазифа ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек: "...мамлакатимиз иқтисодий қудратининг

ўсиши, аҳолининг турмуш даражаси ва сифатини оширишга, айниқса, қишлоқ жойларда бунга эришиш – авваламбор, мамлакатимиз ҳудудларининг комплекс ва изчил ривожланиши билан белгиланишини яхши тушунамиз. Бу – бизнинг ҳам яқин, ҳам узоқ муддатли истиқболдаги вазифамиздир”.

Дарҳақиқат, республиканинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, мутахассис олимлар томонидан вилоят ёки вилоятлар даражасидаги маъмурий-ҳудудий бирликлар сифатида 6 та минтақага ажратадилар: Тошкент (Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти); Мирзачўл (Сирдарё ва Жizzах вилоятлари); Фарғона (Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари); Зарафшон (Самарқанд, Бухоро, Навоий вилоятлари); Куйи Амударё (Хоразм вилояти ва ҚҚР); Жанубий (Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари) минтақалардир.

Тарихан Ўзбекистон туғилиш даражаси ва аҳолининг табиий ўсиши юқори бўлган мамлакатлар жумласига киради. Аҳоли сонининг жадал кўпайиб бориши азалдан Ўзбекистонга хос хусусият бўлиб келган. Масалан, 1991 йили Республика аҳолиси сони 20607,7 нафарга, 2011 йилда 28453,8 минг кишига тенг бўлган бўлса, 2016 йилга келиб эса, бу кўрсаткич 32120,5 минг кишидан ортиб кетди (1 - илова). Тарихан қисқа бўлган шу давр ичида мамлакат аҳолиси қарийиб 12 миллион кишига ёки 55,9 фоизга кўпайди. Бинобарин, Ўзбекистонда 1991-2016 йилларда аҳоли сони ўсиш суръати 153,2 фоизга, ўртacha йиллик кўпайиш 1,7 фоизни ташкил этди. Тадқиқ этилаётган йилларда туғилиш ва табиий кўпайиш даражасидаги пасайиш ҳамда миграция оқимининг манфий кўрсаткичлари оқибатида, Республика аҳолиси ўсиш суръати кескин камайди. Жумладан, мамлакат аҳолисининг ўртacha йиллик кўпайиш 1990-1995 йилларда 2,15 фоиз, 2010-2015 йилларда 1,70 фоизга тенг бўлган ҳолда, мунтазам пасайиб бормоқда. Мамлакат қишлоқ аҳолиси сони ва салмоғи қатор йилларда катта кўрсаткичларни ташкил этган бўлса ҳам, унинг ўртacha йиллик кўпайиши суръати йилдан-йилга мунтазам қисқариб бориш кузатилади. Албатта, аҳоли орасида серфарзандликка мойил бўлган ўзбеклар ва маҳаллий миллат вакилларининг

кўпчиликни ташкил этиши, ўзбеклар эътиқод қиласиган ислом дини ҳам, асрлардан бери шаклланиб келган урф-одатлар ҳам кўп болаликни қўллаб-кувватлайди. Халқимизнинг никоҳни муқаддас деб ҳисоблаши ва оила қуриб, фарзанд кўришга интилиши ўзбек оилаларида туғилишнинг юқори даражада сақланиб қолишига олиб келувчи омиллардандир. Аҳолининг сони, кўпайиши ва унинг туғилиш, ўлим, никоҳ, ажралиш, миграцион ҳаракат каби демографик жараёнларнинг турли жиҳатларини ҳам эътиборга олиш талаб этилади. Чунончи, республика худудлари мураккаб ижтимоий-иктисодий тизимлардан ташкил топган эди. Бу жараён аҳолининг демографик вазиятида бевосита кўзга ташланади. Зоро, мамлакатнинг ҳар бир минтақаси ўзига хос ижтимоий-иктисодий тараққиёти, иктисодий ислоҳотларнинг бориши, географик жойлашуви, табиий шарт-шароити, ишлаб чиқариши ҳамда демографик салоҳияти, жумладан аҳоли зичлиги, улар ривожланишини таъминловчи кўрсаткичлар билан аниқланади.

Республика минтақаларида ижтимоий-иктисодий соҳалардаги ўзгаришлар самарали амалга оширилмоқда, иктисодиётда ҳар қайси субъектнинг имкон қадар кўпроқ манфаатдор бўлиши таъминланмоқда, қўшимча рағбатлантиришларга эътибор қаратилмоқда, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш масалаларига алоҳида аҳамият берилмоқда. Аммо сўнгги пайтлардаги инсон ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳаларини қамраб олаётган глобал аҳамиятга эга муаммолар ва унинг оқибатларини ҳис қилиш, аҳоли демографик қарашларини белгилашга хизмат қилмоқда. Бундай демографик хусусиятлар аҳоли маълумоти, маданий-маънавий билим даражаси билан уйғунлашган ҳолдагина ижобий натижалар бериши аниқланмоқда.

Минтақалар мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ иктисодий жиҳатдан ўзини тиклаб, иктисодий барқарорликка эришган эди. Аҳоли турмуш даражаси яхшидан борди, даромадлар кўрсаткичи ортди, унда моддий жиҳатдан аҳволнинг ижобий томонга ўзгариши, турмуш даражаси юксалиши ўн йилдан сўнг, яъни 2005 йилдан “демографик барқарорлик”ка ёки барқарор демографик ўсишга эришувида, ўз аксини топди. Бу давр

хусусида айрим хорижий манбаларда таъкидланишича, 2005 йил 13 майда бўлиб ўтган экстремистик гурухлар томонидан уюштирилган “Андижон воқеалари” чоғида 500 дан ортиқ бегуноҳ инсонлар қурбон бўлган. Бироқ, аниқ маълумотларга кўра, ушбу воқеалар натижасида 180 дан зиёд киши қурбон бўлди, улардан 32 нафари ҳарбийлар ва милиция ходимлари эди. Бўлиб ўтган воқеликлар Фарғона водийси демографик ҳолатига умуман таъсир кўрсатмаган. Сўнгги йиллардаги туғилиш кўрсаткичидаги ўзгаришлар эса, демографик салоҳиятнинг ўсиши билан боғлиқ бўлиб қолди.

Мамлакатда иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, иқтисодиётни модернизациялаш шароитида ҳар бир минтақанинг табиий, ижтимоий-иқтисодий ва демографик тараққиётида аҳоли, хусусан инсон омили масаласи, салоҳияти ва салмоғини ҳисобга олиш устувор вазифалардандир. Аҳолининг сони, кўпайиши ва унинг манбалари, яъни туғилиш, ўлим, никоҳ, ажralиш, механик ҳаракат каби демографик жараёнлар мавжудки, бозор иқтисодиётiga ўтиш шароитида мазкур жиҳатларни ҳисобга олишга тўғри келмоқда. Ҳар бир минтақа мураккаб ижтимоий-иқтисодий тизимлардан ташкил топган , уларнинг ривожланиши аҳолининг демографик вазиятида, аҳоли турмуш тарзида бевосита акс этмоқда. Зоро, мамлакатнинг самарали ижтимоий-иқтисодий тараққиёти, иқтисодий ислоҳотларнинг амалга оширилиши минтақанинг ўзига хос географик жойлашуви, табиий шартшароит ва ресурслари, ишлаб чиқаришнинг худудий ташкил этилиши ҳамда демографик вазияти, уларнинг ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлари билан аникланади. Шу боис, иқтисодиётни тубдан ислоҳ қилишга қаратилган бешта муҳим тамойилнинг тўртинчисида: “...демография соҳасидаги реал аҳволни аҳолининг мавжуд турмуш даражасини ҳисобга олган ҳолда бозор муносабатларига ўтиш билан бир қаторда одамларни ижтимоий ҳимоялаш соҳасида кучли чора-тадбирларни олдиндан амалга ошириш керак. Ижтимоий ҳимоялаш ва кафолатларнинг кучли таъсирчан механизми мавжуд бўлгандагина ижтимоий-сиёсий барқарорликни сақлаган ҳолда бозор иқтисодиёти сари тинимсиз ривожланиб боришни таъминлаш мумкин” лиги

таъкидлангани боис, бу масалага алоҳида эътибор қаратилган дейиш мумкин.

Иқтисодиётдаги ўзгаришлар, мулкчиликнинг давлат тасаруфидан чиқарилиши, хусусийлаштириш жараёнининг бошланиши, унинг эркин рақобатга асосланиши, аҳоли турмуш шароитидаги бузилишлар, ишсизлик муаммоси каби ҳолатлар, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламнинг мавжудлигида ва оиласарнинг ижтимоий-демографик ривожланишида бевосита кўзга ташланар эди.

Ўзбекистонда жамиятни модернизация қилиш даврида мавжуд демографик вазиятни ҳисобга олиш, аҳоли, унинг динамикаси ва таркиби, меҳнат ресурсларининг шаклланиши, тақсимланиши ҳамда уларнинг иқтисодиёт тармоқларида бандлик даражаси ва таркибини ўрганиш, кун сайин кўпайиб бораётган ишчи кучидан самарали фойдаланишни таъминлайдиган чуқур таркибий ўзгаришларни таҳлил этиш, ҳудудий ўрганишни замоннинг ўзи талаб этмоқда. Айниқса, аҳоли сони ва зичлиги жиҳатидан ҳамда меҳнат ресурслари масаласи мураккаб бўлиб келаётган Фарғона минтақасида ушбу муаммонинг ечимини топиш учун аҳоли динамикасини, таркибини чукурроқ таҳлил этиш ниҳоятда муҳим саналади. Аҳоли сонининг юқори суръатлар билан кўпайиб бориши минтақанинг ўзига хос хусусиятларидан биридир. Хусусан, мамлакатда ўзига хос демографик хусусиятларга эга бўлган ҳудудлардан бири Фарғона минтақасидир. Бу ерда демографик сифим ўта юқори бўлиб, бу минтақада аҳоли қадимдан зич яшаб келган, суғориладиган ер ва минерал хом ашё ресурслари чекланган, ишлаб чиқариш ва инфратузилмаси юқори даражада ривожланган ҳамда ўзига хос экологик муҳит мавжуд бўлган. Ҳудуддаги бундай ўзига хос хусусиятлар минтақавий сиёsat тизимининг шаклланишига кучли таъсир ўтказмоқда.

Юқоридаги муаммо ва вазифаларни ўрганиш фанннинг мақсад ва вазифаларидан ҳисобланади.

1.2. Фаннинг манбашунослиги ва тарихшунослиги

Туғилиш ва ўлимнинг камайиши аҳоли ўртача умр кўриш муддатининг узайиб бориши эса аҳоли сонининг камайиб кетишига, аҳоли таркибида қариялар (65 ёш ва ундан катта) салмоғининг ошиб, болалар салмоғининг камайишига олиб келади. Бундай ҳолни демографияда "аҳолининг қариши" деб аталади. Қайси бир ҳудуд ёки давлат аҳолиси қари борса, шу жойда ишлаб чиқарувчи ишчи кучи билан таъминлаш, миллатни камайиб бориши каби инсоният тақдири учун таҳликали демографик муаммолар юзага келади. Мазкур маъruzada демографик вазият ва уни ифодаловчи асосий жараёнлар дунё ва унинг алоҳида ҳудудларидаги демографик вазият ва муаммолар ёритилади. Маъruzанини тайёрлашда аҳоли табиий ўсишига доир илмий манбалар, демографик кўрсаткичлар, БМТ ва бошқа нуфузли ташкилотларнинг маълумотларидан фойдаланилди.

Фан доирасида адабиётларни шартли равишда уч гурухга: совет даври, мустақиллик давридаги ва хориж нашрларига бўлиш мақсадга мувофиқдир.

Биринчи гурух адабиётларида совет даврида яратилган илмий асарларда республиканинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, демографик жараёнлари ҳақида маълумотлар берилган. Масалан, Ўзбекистондаги демографик жараёнлар ва унинг ўзига хос хусусиятлари географ, демограф ва иқтисодчилар томонидан ўрганилган Жумладан, Аҳмедов Э., Файзиев Н. Дунё аҳолиси ва инсоният келажаги. –Тошкент, 1969. –39б.; Ата-Мирзаев О., Катанов И. Фарғона водийси шаҳарлари (демография тўғрисида баъзи фикрлар).– Тошкент, 1970. –32б. Аҳмедов А. Наманган обlastининг бугуни ва эртаси. – Тошкент, 1974. –15б.; Убайдуллаева Р. Ўзбекистон аҳолиси ва меҳнат ресурслари.- Тошкент: Ўзбекистон, 1977. –30б. Муллажонов И. Демографическое развитие Узбекской ССР. – Ташкент, 1983. -278 с.; Караканов М., Қаюмов А. Ўзбекистоннинг демографик ва аҳоли географияси. – Тошкент, Ўзбекистон, 1984. –32 б. Алиакберова Н.М., Гольдфарб Н., Эргашев А. Размещение населения Ферганской долины

(демографический аспект). – Ташкент, Фан, 190. -100 с.

Шунингдек, бу даврга хос хусусиятларни ёритишга бағишенгандын илмий изланишлар ҳам олиб борилган. Тадқиқотлардаги тарихий маълумотлар муҳим, бироқ уларнинг аксариятида совет даври мафкураси нуқтаи назаридан бир томонлама ёндошилган, мавжуд камчилик ва муаммолар хусусида фикр юритилмаган бўлса-да, худудларнинг мазкур даврдаги демографик вазияти ҳақида тасаввурга эга бўлиш ҳамда ҳозирги кун билан солишириш, қиёсий таққослаш имконини беради.

Иккинчи гурухга мустақиллик йилларида чоп этилган ишлар киритилган бўлиб, улар манбаларга бойлиги, илмий жиҳатдан чуқур таҳлили билан алоҳида ажралиб туради. Ўзбекистонда демографик жараёнлар ва аҳолишунослик масалалари билан шу пайтга қадар иқтисодчи ва географ олимлар, этнограф ва демографлар яъни, Максакова Л.П. Миграция населения Республики Узбекистан. – Ташкент:Эльдинур, 2000. – 115 с.; Аҳмедов Э. Ўзбекистон шаҳарлари мустақиллик йилларида. – Тошкент:Ибн Сино номли нашриёт, 2002. – 224 б.;Салиев А. Проблемы расселения и урбанизации в республиках Средней Азии.– Ташкент:Фан, 1991. – 112 с.; Б.Қодиров. Фарғона минтақаси аҳолиси ва меҳнат ресурслари. – Тошкент: Navro'z, 2016.–168 б. Рахматиллаев X., Фарғона водийси аҳолисининг этнодинамикаси.(XIX аср охири - XX охири). - Тошкент: Yangi nashr, 2013. – 108 б. Бўриева М.Ўзбекистонда оила демографияси. – Тошкент: Университет, 1997. – 183 б.; Тожиева З.Н. Ўзбекистон аҳолиси: ўсиши ва жойланиши. – Тошкент: Fan va texnologiya, 2010, 276 б.лар шуғулланиб келганлар. Масалан, мазкур тадқиқотларда республика аҳолиси миграцияси социологик тадқиқот материаллари асосида ёритиб берилган. Республикалардаги миграция ҳолати, аҳолининг зичлиги муаммолари ҳам баён этилган. Шунингдек, шаҳарлар тўғрисида ҳам маълумотлар келтирилган.

Сўнгги йилларда тарихчилар ҳам мазкур масалани тарихий нуқтаи назардан ўрганишга киришиб, бир қатор тадқиқот ишларини олиб бордилар. Республиkaning демографик муаммоларини тадқиқ этишга янгича илмий-

амалий ёндошув натижасида тадқиқотчиларнинг фанлараро ҳамкорлигининг ёрқин намунаси ҳисобланган монографик тадқиқотларида республика аҳолиси сонининг ўсиш тенденцияси ва унинг ўзгариши, бандлик муаммолари ҳамда миллатлараро муносабатлар масаласига тарихийлик, демографик, социологик нуқтаи назаридан қаралган. Демографик вазият ва у билан боғлиқ масалалар тарихчилар томонидан ҳам алоҳида тадқиқ этилган. Д.Бобожонова ва Р.Муртазаеваларнинг илмий тадқиқотларида(Ата-Мирзаев О., Гентшке В., Муртазаева Р., Салиев А. Историко-демографические очерки урбанизации Узбекистана. –Ташкент:Университет, 2002. – 125 с.; Ата-Мирзаев О., Гентшке В., Муртазаева Р. Межнациональная толерантность в Узбекистане: история и современность. –Ташкент:Университет, 2004. – 179 с.; Ата-Мирзаев О., Гентшке В., Муртазаева Р. Узбекистан многонациональный историко-демографический аспект. – Ташкент: Янги аср авлоди, 2011. – 252 с.; Бобожонова Д. Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар ривожининг ижтимоий-иқтисодий омиллари. – Тошкент: Фан, 1994. – 24 б.; Ўша муаллиф. Ўзбекистонда демографик жараёнлар ва уларнинг хусусияти. – Тошкент: Фан, 1995. – 94 б.; Ўша муаллиф. Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий муносабатлар. – Тошкент: Шарқ, 1999. – 160 б.; Муртазаева Р. Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар ва бағрикенглик. – Тошкент: Университет, 2007. – 184 б.; Ўша муаллиф. Толерантность как интегрирующий фактор в многонациональному Узбекистане. – Ташкент: Узбекистан, 2010.–152 с. Абдулаев Ш.М. Этносоциальные и этнополитические процессы в Ферганской долине. (Основные проблемы, тенденции и противоречия. 70-80-е годы XX в.) Дисс. ...докт. ист. наук. – Ташкент, 1994. – 340 с.; Бобожонова Д.Б. Ўзбекистонда миллатлараро муносабатларнинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатлари (70-80 йилларнинг ўрталари). Тарих фан.док... дисс. – Тошкент, 1998. – 294 б.; Мусаев О.Р. Межнациональные отношения в Республике Узбекистан (1991-1997). Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. – Ташкент, 2000. – 28 с.; Раҳматуллаев Ш.М. Мустақиллик шароитида Фарғона водийси шаҳарларида ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар (1991-1996 йй.). Тарих фан. ном. ...дисс. – Тошкент,

2000. – 200 б; Юнусова Х.Э. Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар ва маънавий жараёнлар (XX асрнинг 80-йиллари мисолида). Тарих фан.док... дисс. – Тошкент, 2009. – 296 б.) Ўзбекистонда демографик жараёнлар, аҳолининг худудий жойлашуви ва миграцион жараёнлар, бағрикенглик тамойилининг тарихий жиҳатлари таҳлил этилган.

Тадқиқот мавзуси бўйича алоҳида фундаментал тадқиқот яратилмаган бўлсада, Демографик жараёнлари, миллатлараро муносабатлар каби масалаларнинг баъзи томонлари қисман ёритилган. Бу диссертациялар XX асрнинг охирги чораги давомида республиканинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида юз берган тарихий ўзгаришлар ҳақидаги фикр ва тасаввурларни янада кенгайтириш имконини беради. Советлар даврининг сўнгги ва мустақилликнинг дастлабки йиллари тарихий ўзгаришларининг демографик жараёнларга таъсири қиёсий таққосланган, Республика аҳолисининг этник таркиби шаклланиши ва этномаданий муносабатлар тарихи очиб берилган тадқиқот ишлари ҳам мавжуд. Уларда вилоятлардаги урбанизация ва демографик жараёнлар хусусида ҳам фикр юритилган, уларнинг миллатлараро муносабатларга таъсири масаласи қисман ўрганилган.

Р.Шамсутдинов ва А.Исҳоқовларнинг Андижон вилояти тарихига оид асарида ҳам амалий аҳамиятга молик ҳужжатли материаллар келтирилган. Юқорида кайд этилган асарларда катта ва кичик шаҳарларига тавсиф билан бир қаторда, этник жараёнлар ва демографик ҳолат ҳақида маълумотлар берилган бўлсада, мустақиллик йилларида мазкур худудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш хусусиятлари тўла кўрсатиб берилмаган.

Учинчи групхга тегишли адабиётларга хориж нашрлари киради. Хорижий тадқиқотларда(Friedman J., Wulf J. World city Forrnation: an agenda for research and action // International Jounal of Urban and Regional Research, 1982.–P. 309-344.;Logan S.R., Molotch H.L. Urban Fotunes: ThePoliticalEconotyofPlace. –Berkeley. 1987. – 159p.;Gottman J. Megapolis. <http://lib.socio.msu.ru>;1991. – 24 p.;Sassen S. The Global City: New York, London, Tokyo.–Princeton: Princeton University Press, 1991. – 214p.) совет

давлати тарихининг сўнгги даврларига оид масалалар ёритилган. Мазкур ишларда жаҳондаги миграция, урбанизация жараёнлари таҳлил этилган. Ушбу тадқиқотларда бевосита Ўзбекистондаги демографик жараёнларнинг миллатлараро муносабатларга таъсири масаласи яхлит ҳолда ўрганилмаган, бироқ, дунё шаҳарларининг йириклишиб бориши ва бу жараённинг жаҳон иқтисодиётига таъсири асослаб берилган.

Умуман олганда, Ўзбекистонда демографик жараёнлар, аҳолишунослик масалаларини ўрганиш янги йўналиш бўлиб, кейинги даврда тарихчи олимлар ҳам тарихий нуқтаи назардан ўрганишга киришдилар. Бироқ, мавзу тарихшунослиги таҳлилига кўра, ўтган йиллар давомида демографик вазият ва унинг миллатлараро муносабатларга таъсири масаласи комплекс тарзда ўрганилмаган.

“Ўзбекистондатарихий-демографик жараёнлар” фанини ўрганишда

фанлараро алоқадорлик



Назорат учун саволлар ва тест топшириқлари

1. Ўзбекистоннинг меҳнат ресурслари картасини таҳлил қилинг ва ҳар бир вилоят бўйича меҳнат ресурсларининг тақсимланишини таҳлил қилинг.
2. Ўзбекистонда мигратсия қўрсаткичлари қандай?
3. Ўзбекистон аҳолисининг ўсиши графигини чизинг.

4. Ўзбекистон аҳолисининг қанча қисми ҳар бир вилоят бўйича қишлоқ хўжалиги тармоқларида банд эканлигини изоҳланг.
5. Ўзбекистонда Мустақиллик йилларида вужудга келган шаҳарлар ва шаҳарчалар рўйхатини тузинг.

2-мавзу: “Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Узоқ муддатли прогнозлар ва давлатнинг ижтимоий-иктисодий ривожланиш мақсадли дастурлари.(2 соат)

РЕЖА:

1. Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони.
2. Узоқ муддатли прогнозлар ва давлатнинг ижтимоий-иктисодий ривожланиш мақсадли дастурлари

Таянч сўзлар: давлат-тузуми, Ишлаб чиқариш хўжалигига, цивилизация, аҳолини рўйхатга олиш, Концепция, Президент Фармони, прогнозлар, давлатнинг ижтимоий-иктисодий ривожланиш, мақсадли дастурлар.

1.1.Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони.

Мустақил Ўзбекистон мінтақалари ижтимоий-иктисодий ҳаётида рўй берган ўзгаришлар аҳоли турмуш тарзи ва умуман демографик жараёнларга

ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмади. Бошқа минтақлардан фарқли хусусияти ҳам ушбу жараёнларда кўпроқ намоён бўлди, яъни аҳоли сонининг ўсиш суръати ҳамда туғилиш ва ўлимнинг камайиши, аҳоли зичлиги ва жойлашувининг ўзгариши, ёш ва жинс таркибидаги мутаносиблик, ўртacha умр кўриш даражасининг ортиши, никоҳ ва ажралишнинг секинлашуви, меҳнатга лаёқатлилар салмоғининг ортиши, миграция жараёнининг фаоллашуви билан изоҳланади.

Бошқа минтақалардаги сингари шаҳар ва қишлоқлари аҳолиси 1996 йилдаёқ ўзларини иқтисодий жиҳатдан тиклаб, ижтимоий фаровонлик ва барқарорликка эришди. Аҳоли турмуш даражаси яхшилана борди, даромадлар кўрсаткичи ортди, унда моддий жиҳатдан аҳволнинг ижобий томонга ўзгариши, турмуш даражаси юксалиши ўн йилдан сўнг, яъни 2005 йилдан турмуш даражаси юксалган, барқарор демографик ўсишга эришганлиги билан кўзга ташланди.

Бозор иқтисодиётiga ўтиш ва фаол демократик янгиланишлар шароитида минтақа иқтисодиётида инвестиция фаолиятининг таркиб топиши, нафақат ишлаб чиқаришнинг ўсишига, балки йилдан-йилга сони тобора ортиб бораётган аҳолининг турмуш даражасини кўтаришда ҳам муҳим аҳамият касб этди.

Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолини рўйхатга олишини ўтказиши Концепциясини тасдиқлаш түғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони чиқшишига нима учун заурият туғулди?

Сўнгги йиллардаги туғилиш кўрсаткичларидағи ўзгаришлар, иқтисодий ислоҳотларнинг амалга оширилиши, иқтисодиётни модернизациялаш шароитида минтақанинг табиий шарт-шароит ва ресурслари, ишлаб чиқаришнинг худудий ташкил этилиши, мулкчиликнинг давлат тасарруфидан чиқарилиши, хусусийлаштириш жараёнининг бошланиши ва унинг эркин рақобатга асосланиши, аҳоли турмуш шароитида ижтимоий-моддий негизларнинг бузилиши, кам таъминланганлик, ишсизлик муаммосининг кескинлашуви каби ҳолатлар аҳоли ижтимоий турмуш

тарзидা бевосита акс этди.

Шаҳар аҳолисининг умумий аҳоли динамикасига таъсири катта бўлди, чунки минтақада урбанизация даражаси паст бўлиб, миллий таркибда маҳаллий миллат вакилларининг кўплиги сабабли шаҳарларда туғилиш даражаси ҳам юқори эди, бу эса қишлоқларга нисбатан фарқ унчалик катта эмаслигини кўрсатади.

Водийда туғилиш ва табиий ўсиш кўрсаткичлари Наманган вилоятида энг юқори, Фарғона вилоятида эса аксинча, паст бўлиб келган, Андижон вилояти ўртacha ўринларни банд этиб келган, бунга иқтисодий-ижтимоий ривожланиш катта таъсир этади.

Яқин келажакда табиий ўсиш суръатларига боғлиқ ҳолда аҳоли сони ўсиб борса-да, лекин унинг динамикасида жиддий ўзгаришлар содир бўлмайди, яъни, у мўътадил тадрижий равишда ўсиб боради.

Маълум бир худудда яшовчи аҳоли ўзининг табиий, механик ва ижтимоий ҳаракатлари натижасида миқдори ҳамда таркибини янгилаб боради. Аҳоли динамикасида табиий ўсиш муҳим аҳамият касб этади. Табиий кўпайиш асосида давлатларнинг ижтимоий-иктисодий ривожланиш ҳолати, хусусан, озиқ-овқат, болалар нисбати, кийим-кечак, уй-жой, ишчи ўринлари, коммунал-хўжалик ва бошқа шарт-шароитлар аниқланади, шунинг асосида истиқболдаги аниқ режалар ишлаб чиқилади. Табиий кўпайиш даражасининг юқори миқдорда бўлиши аҳоли сонининг тез кўпайишига сабаб бўлади. Бундай ҳолат ўз-ўзидан туғилиш ва ўлим кўрсаткичларига, аҳолининг жинсий, ёш, миллий ва худудий таркибига, ижтимоий-иктисодий ҳамда демографик омилларга боғлиқ бўлади.

Муайян давр ичида содир бўлган туғилиш ва ўлим кўрсаткичлари орасидаги фарқ аҳолининг табиий ўсишини келтириб чиқаради. Аҳолининг табиий ўсиши деганда аҳолининг туғилиш ва ўлим ўртасидаги тавофут тушунилади. Бу кўрсаткич ҳам демографик коэффициентлар сингари промилледа ифодаланади. Аҳоли табиий ўсиши кўрсаткичлари тўғрисидаги маълумотлар асосида дунёдаги мамлакатларда аҳолининг ўсиш ёки камайиш

ҳолати ҳақида маълумотлар олиш, унинг негизида эса келажак режаларини ишлаб чиқиши мумкин бўлади. Бу жараёнда аҳоли табиий ўсишини муайян даврлар бўйича ҳисоблаш керак.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда ҳам аҳолининг табиий кўпайишида улкан ўзгаришлар содир бўлди. Мамлакат мустақиллик тарихининг дастлабки 27 йиллик демографик ҳолатида бу ёрқинроқ намоён бўлади. Мисол учун, 1991 йилда республика худудларида табиий кўпайиш ҳар минг аҳолига 28,3 % (промилле)*ни ташкил этган бўлса, 2016 йилга келиб, 17,9 промиллелаға тенг бўлди Туғилиш коэффициенти эса 34,5 промилледан 22,8 промиллелагача қисқарди. Мазкур йиллар давомида туғилиш даражасининг пасайиши нафақат шаҳар аҳолиси, балки қишлоқ аҳолиси ўртасида ҳам кузатилади. Кейинги ўн йилликда республика аҳолиси ўсиш суръатининг кескин камайиши, бунинг натижасида аҳоли мутлақ сони ўсишининг камайиши, туғилишнинг ва табиий кўпайишнинг пасайишида ва миграция оқимининг манфий кўрсаткичларида намоён бўлмоқда.

Чунончи, бозор иктисадиётига ўтиш шароитида юзага келган ижтимоий-иктисодий муаммолар аҳолининг ёш, жинс ва миллий таркиби, туғилиш коэффициентида ҳам ўз ифодасини топган. Изланишлар натижаси шуни кўрсатадики, оиласарда туғилган фарзандлар сони катта авлоддан ёш авлодга ўтиб борган сари аста-секин камайиб борган. Мавжуд экологик ва бошқа муаммолар таъсирида бир ёшгача болалар ўлими, аёлларнинг бандлик даражаси ҳам туғилиш кўрсаткичига таъсир этиб келган.

2. Узок муддатли прогнозлар ва давлатнинг ижтимоий-иктисодий ривожланиш мақсадли дастурлари

Ўзбекистонда кўп асрлар давомида турли миллат ва элат, маданият ва дин вакиллари тинч-тотув яшаб келган. Меҳмондўстлик, эзгулик, қалб саҳовати ва бағрикенглик ўзбек халқига ҳамиша хос бўлган ва унинг менталитети асосини ташкил этади. Ўзбек халкининг олий мақсади тарихий, миллий, диний анъаналарни қайта тиклаш, уларга янги мазмун бағишилаш,

заминимизда тинчлик ва фаровонлик, маданият, виждон эркинлиги ва ҳар бир кишини камол топиши учун зарур бўлган шарт-шароит яратишдан иборатдир.

Ҳар қандай мамлакатнинг тараққиёти ва дунёдаги обрў-эътибори, аввало, шу эл-юртда қарор топган тинчлик-осойишталикка, у ерда яшаётган барча миллат ва элат вакилларининг тотувлигига боғлиқ. Шунинг учун ҳам, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик миллий мафкурамизнинг асосий ғояларидан бири эканига алоҳида урғу бериб, Президентимиз шундай деган: “...мамлакатимизда хукм суроётган миллатлар ва фуқаролар тотувлиги, ўзаро хурмат ва меҳр-оқибат муҳитини кўз қорачиғидек сақлаш ҳамда мустаҳкамлашни ўзимнинг устувор вазифам, деб ҳисоблайман”¹. Зоро, юртимизда виждон ва эътиқод эркинлиги, турли миллат вакилларининг ҳуқуқлари кенг кафолатланиб, диний бағрикенглик муҳити тобора мустаҳкамланиб бормокда.

1992 йилда мамлакатимизда этник ўзига хослиги, тили, урф-одат ва анъаналарини ҳар томонлама ривожлантириш ва ўзаро бойитиш бўйича тенг ҳуқуқ ва имкониятларга эга бўлган 136 миллат ва элат вакиллари ягона оила бўлиб, дўстлик ва иноқликда ҳаёт кечираётган республика халқининг 78,0 фоизини ўзбеклар ва 22,0 фоизини бошқа миллат вакиллари ташкил этган. Улар юртимизда тинчлик ва осойишталикни сақлаш, Ватанимизни янада равнақ топтириш, унинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини ошириш мақсадида барча соҳаларда кенг кўламли ўзгаришларни амалга ошириш йўлида ўзларининг фидокорона меҳнати билан муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Эл-юрт осойишталиги, тинчлиги, халқлар ўртасидаги дўстлик ва ҳамжиҳатлик ҳар қандай давлат равнақини, унинг келажагини белгилаб берувчи асосий омиллардан бири бўлиб келган. Шу боисдан ҳам,

¹ Мирзиёев Ш. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз//Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришган тантанали маросимига бағишлиланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ. – Тошкент:Ўзбекистон, 2016. –Б.8-9.

мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб юртимизда турли миллатларга мансуб қадриятларни асраб-авайлашга, барча фуқароларга ўз эътиқодини амалга ошириш учун зарур шароитларни яратиб беришга, миллатлараро ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлашга, улар ўртасида қадимий муштарак анъаналарни ривожлантиришга алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18-моддасида “Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқук ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар қонун олдида тенгдирлар”, – деб белгилаб қўйилган. Бу эса қўпмиллатли ҳалқимиз ўртасидаги тотувлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, мустақил Ўзбекистонда шаклланган замонавий демографик-трансформацион жараёнларни янада кенгайтиришга хизмат қилмоқда. Ҳалқимиз қон-қонига сингиб кетган миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик мустақиллик йилларида янада ривожланди, унинг ҳуқуқий асослари яратилиб, миллий сиёsatда мустаҳкам ўрнини топди. Бу сиёsatга ҳамда миллий ғоя негизига бир жамиятда яшаб, ягона мақсад йўлида меҳнат қилаётган турли миллатларга мансуб кишилар ҳаётида яққол кўриш мумкин.

Аҳоли иқтисодий ва ижтимоий ҳаёт қонуниятларига мос ҳолатда тадрижий ўсиб борар экан, демографик жараёнлар ҳам муайян ишлаб чиқариш усули ва ишлаб чиқариш муносабатига боғлиқ тарзда ривож топади. Аҳоли мураккаб ижтимоий ва табиий ривожланиш маҳсули бўлиб, унга турли омиллар таъсир қўрсатади. Бу жиҳатдан иқтисодёт, социология, география, тиббиёт, тарих фанлари таҳлили мавзуига яқин бўлиб, уларнинг ютуқларидан фойдаланади, айни вақтда, уларга муҳим маълумотлар беради. Демографи(Демография юононча “демос” – ҳалқ, “графия” – ёзаман, яъни “ҳалқ ҳақида ёзаман” маъносини англатади. Демография фан сифатида уч юз йил муқаддам шаклланган.) жараёнларнинг шаклланишида иқтисодий-ижтимоий тараққиёт ҳал қилувчи ўрин тутади. Турмуш тарзининг яхшиланиши, тиббий хизмат кўрсатиш сифатининг яхшиланиши демографик

жараёнларга ижобий таъсир этиб, аҳоли сонини кўпайишига олиб келса, урушлар, турли ҳил касалликлар, иқтисодий инқирозлар, очарчилик ва бошқа омиллар ўз хусусиятига кўра демографик жараёнларда ўз салбий таъсирини кўрсатади. Демографик жараёнлар – инсонларнинг ҳаётида уларнинг авлодларини алмашуви билан боғлиқ бўлган воқеаларнинг кечишидан иборат. Ўзбекистон Республикасида мустақиллик йилларида демографик жараёнлар ўзига хослиги билан бошқа даврлардан фарқланади. Республика аҳолисининг ўртача умр қўриш даражаси сўнгги йигирма йил давомида 67 ёшдан 73,8 ёшга етганинг ўзи кўп нарсадан далолат беради. Жумладан, аёлларнинг умр қўриши 76,2 ёшга, эркаклар ўртасида 71,4 ёшга етди.

Ўзбекистоннинг мустақил ривожланиш йўлига ўтиши унинг демографик тарихида янгича босқични бошлаб берди. Республикада бозор муносабатларининг шаклланиши, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий шароитларнинг ўзгариши натижасида янги демографик ўзгаришлар юзага келди. Бу эса ўз навбатида кўпмиллатли бўлган республикамизнинг миллатлараро муносабатларига ўз таъсирини ўтказди.

1991 йили республика аҳолиси 20607,7 мингга тенг бўлган бўлса, 2019 йил 1 апрель ҳолатида бу кўрсаткич 33,3 млн кишидан ортиб кетди. Мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб миллатлараро тотувлик ва бағрикенгликка қаратилган давлат сиёсати олиб борилмоқда. Бу сиёсат турли миллат вакилларига Ўзбекистонда эмин-эркин яшаш учун кенг шароитлар яратиб бермоқда. Буни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1992 йил 13 январда Республика Байналмилал маданий маркази ташкил этилганлигига кўриш мумкин.

Жамиятда соғлом турмуш тарзи, миллатлараро тотувлик, ўзаро меҳр-оқибат муҳитини ва динлараро бағрикенглик тамойилларини янада мустаҳкамлаш ҳамда кўп миллатли халқимизнинг қадимий урф-одатларини асрраб-авайлаш ва келажак авлодга етказишни, ёш авлод қалби ва онгидаги юрга муҳаббат, истиқололга садоқат туйғуларини чуқур сингдиришни ўз олдига вазифа қилиб Фарғона водийси вилоятларида миллий-маданий

марказлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва янада ривожлантириш мақсадида олиб борилган ишлар ўз самарасини бермоқда. Жумладан, Андижон вилояти раҳбарияти кўп сонли жамоатчилик талабига кўра, миллий эҳтиёжларни қондириш давр талаби эканлигини ҳисобга олиб, вилоятда 5 та, хусусан, уйғур, корейс, арман, қирғиз ва рус миллий маданий марказлари таъсис этилган. Бу марказлар жамиятимизда дўстлик-тотувлик, тинчлик ва осойишталикни мустаҳкамлашда муҳим роль ўйнамоқда. Ушбу миллий-маданий марказлардан бири вилоятда истиқомат қилаётган Уйғур маданий маркази Ўзбекистонда 1989 йилда ташкил этилган дастлабки миллий маданий марказлардан бири бўлиб, Андижон вилоятида ҳам ўша йили вилоят Адлия бошқармаси томонидан 1989 йилнинг октябрь ойида 078-сонли гувоҳнома билан рўйхатдан ўтган. Марказ ўз олдига вилоятдаги уйғур миллатига мансуб аҳолини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, миллий қадриятларни асраб-авайлаш, тили ва маданиятини сақлаш борасида белгиланган иш режа асосида маданий-маърифий тадбирлар ўтказиш вазифасини қўйган. Шунга кўра, республика ва вилоят уйғур миллий маданий марказининг ташаббуслари билан “Ўзбекистон умумий уйимиз” шиори остида кўплаб маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилиб келинган.

Мустақиллик йилларида кўп миллатли республиканинг барча худудларида ўзига хос демографик ривожланиш хусусиятлари ва миллатлараро муносабатлар эътиборга олинмоқда. Дарҳакиқат, миллатлараро тотувликни таъминлаш Ўзбекистон давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Зеро, “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да ҳам миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузурида Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитасининг ташкил этилиши, шунингдек, 2019 йил 5 февралда “Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш концепциясини тасдиқлаш

тўғрисида”ги Президент фармони қабул қилиниши аҳоли тўғрисида энг ишончли манба тўплашда катта аҳамиятга эга ва ана шу маълумотлар асосида демографик жараёнларнинг истиқбол режаси ишлаб чиқилади. Республикада аҳолиси демографик ҳолати ва унинг миллатларо муносабатларга таъсири алоҳида атрофлича илмий таҳлил этишни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2017 йил 19 майдаги “Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5046-сон ва 2019 йил 10 январдаги ПФ-5623-сон ПФ-5623-сон “Урбанизация жараёнларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонлари ҳамда соҳага оид меъёрий хужжатларда кўрсатилган вазифаларни амалга ошириш учун муайян даражада хизмат қиласди.

Мустақиллик йилларида даги демографик жараёнлар ва уларнинг миллатлараро муносабатларга таъсири масаласини энг янги тарих йўналишида очиб берди.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон аҳолисининг табиий қўпайишидаги худудий тафовутлар, унга таъсир этувчи омиллар, демографик жараёнларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишга таъсирини ўрганиш, жараёнларнинг миллатлараро муносабатларга таъсири, аҳоли миллий таркибидаги ўзгаришлар, маҳаллий миллат вакиллари салмоғининг ортиб бориши, юқори табиий ўсиш ва манфий ташқи миграция моҳиятини очиб бериш;

миллатлараро муносабатлар таъсирида демографик вазиятнинг ўзгариши, ташқи миграциянинг аҳоли динамикаси ва турмуш тарзига таъсирини кўрсатиб бериш;

аҳоли миллий таркибида маҳаллий миллат вакиллари салмоғи ортиб боришининг урбанизация жараёнларида ҳамда миллатлараро муносабатларда

акс этишини таҳлил қилиш;

бозор муносабатларига ўтиш даврида аҳолини қўллаб-қувватлаш борасидаги ижтимоий ислоҳотларнинг туб моҳиятини очиб бериш фаннинг фармондан келиб чиқадиган вазифаларини белгилаб олинди.

Шунингдек, фармонда республика аҳолиси миллий таркибиға боғлиқ ҳолда табиий ўсишда ҳудудий тафовутлар, хусусан демографик вазиятнинг ижтимоий-иктисодий ривожланишга таъсирини аниқлаш;

кечаётган демографик вазият ҳисобига аҳолининг ёш ва жинсий таркибидаги ўзгаришлар, урбанистик ривожланиши миllатлараро муносабатлари;

миграциянинг фаоллашуви таъсирида Ўзбекистон аҳолиси миллий таркибида бошқа миllат вакиллари салмоғининг камайиши, аксинча туб жой аҳоли сонининг ортиб бориши ҳисобига табиий ўсишнинг кўтарилганилигининг таҳлили;

миllатлараро муносабатларнинг демографик жараёнларга таъсири (кўп болали оилалар камайиши, кичик оилаларнинг кўпайиши натижасида аҳоли орасида кексалар салмоғи ортиши) аҳолининг ижтимоий-иктисодий турмуш тарзини яхшилаш бўйича истиқболли дастурларда диний бағрикенглик ва толерантлик тамойиллари, миllатлараро муносабатларнинг барқарорлиги каби жиҳатларни ўрганиш вазифаси қўйилган.

Назорат учун саволлар ва тест топшириқлари

1. Аҳолини рўйҳатга олиш зарурияти тўғрисида гапириб беринг.
2. Ишлаб чиқариш хўжалигига ўтиш нима?
3. Юртимиизда урбанизация жараёни қандай кечмоқда?
4. Президент фармони ҳақида нималарни биласиз?
5. Президент фармонига нима учун ўзгартиришлар киритилиши сабаблари ҳақида нималарни биласиз?

3-мавзу: Иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурларини ишлаб чиқиш, барқарор ривожланниш Миллий мақсадлари индикаторларини шакллантириш омиллари. (2 соат)

РЕЖА:

1. Иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурларини ишлаб чиқиш ва барқарор ривожлантириш
2. Миллий мақсадлари индикаторларини шакллантириш.
3. Мехнат ресурслари жойлашуви ва улардан фойдаланиш жараёнларини ўрганиш, илмий тадқиқотлар олиб бориш учун муҳим пойдевор сифатида.

Таянч сўзлар:иш ўринлари, аҳоли бандлиги, барқарор ривожлантириш, Миллий мақсадлар, индикаторларини шакллантириш, меҳнат ресурслари, илмий тадқиқотлар, ишлаб чиқариш усули, мулкчилик иқтисодий функциялар; ижтимоий функциялар;

3.1. Иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурларини ишлаб чиқиш ва барқарор ривожлантириш

Ўзбекистонда аҳолининг зичлиги ҳудудлар бўйича бир-биридан кескин фарқ қиласи. Аҳолининг яшаси учун табиий – иқлимий шароити қулай, тарихан ўзлаштирилган, дехқончилик қилиш учун ер-сув ресурсларига бой ҳудудларда ҳамда урбанизация жараёнлари нисбатан ривожланган, шаҳарларга яқин ҳудудларда аҳоли зичлиги юқори. Аксинча, республика ҳудудининг 2/3 қисмини эгаллаган чўл минтақасида аҳоли жуда сийрак тарқалган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 13 мартағи 68-сонли “Ўзбекистон Республикаси аҳоли пунктларининг

маъмурий-ҳудудий тузилишини такомиллаштиришга доир қўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ги қароридаги талабга мувофик урбанизация масаласида минтақаларда, жумладан Фарғона водийси шаҳар ва қишлоқларида аҳолининг тақсимланиши бўйича катта ўзгаришлар содир бўлаётгани маълум бўлди. 2015 йил 1 январь маълумотларига кўра, республикада урбанизация даражаси 50 фоиздан ошган бўлса, бундай ҳолат Фарғона водийси вилоятлари шаҳарларида жами аҳолининг 57,4 фоизини ташкил қилган. Шаҳар аҳолиси сони Андижон вилоятида 52,5 фоиз, Фарғона вилоятида 57,0 фоизни ва Наманган вилоятида 63,4 фоиз ташкил этди.

Аҳолининг ўртacha зичлик кўrsatкичлари бўйича республика ҳудудларини шартли равишда 5 та гурухга бўлиб ўрганиш мумкин: Аҳолиси зич жойлашган ҳудудлар биринчи гурухни ташкил этади. Республикада аҳоли зичлиги энг юқори бўлган ҳудуд Андижон вилояти бўлиб, вилоятда 1 кв.км.га 2016 йилда 676,9 киши тўғри келган. Аҳоли зичлиги бўйича республикада иккинчи ўринда Фарғона вилояти туради. Мазкур вилоятда зичлик 1 кв.км.га 518,5 кишини ташкил этган. Мазкур икки вилоят ўзида республика аҳолисининг 20,0 фоизи ёки 6415,8 минг кишини жамлашга муваффақ бўлган.

Аҳолиси зич жойлашган ҳудудлар иккинчи гуруҳдан ўрин олган. Ҳар бир квадрат километрга 200-400 юз киши тўғри келадиган ҳудудларга Наманган (349,9 киши), Хоразм (288,7 киши), Самарқанд (213,7 киши) бўлиб уларда жами республика аҳолисининг 7934,2 минг киши ёки 25,1 фоизи тўғри келади.

Аҳолиси зичлиги меъёрида бўлган ҳудудлар учинчи гурухни ташкил этади. Аҳолининг ўртacha зичлиги 1 кв.км. 100-200 киши тўғри келадиган ҳудудларга Тошкент (183,2 киши), Сирдарё (184,7 киши), Сурхондарё (120,0 киши) ва Қашқадарё (105,9 киши) вилоятларини ўзига қамраб олади. Ушбу ҳудудларда республика аҳолисининг 28,6 фоизи ёки 9021,8 минг кишиси тўғри келади.

Аҳолиси сийрак жойлашган тўртинчи гурухни ташкил этиб, уларда

зичлик ўртача 10-100 кишига тенг. Булар –Қорақалпоғистон Республикаси (10,8 киши) ва Бухоро (45,0 киши), Жиззах (60,2 киши) вилоятлари. Уларга республика аҳолисининг 4882,4 минг киши ёки 15,5 фоизи тўғри келади.

Аҳолиси ўта сийрак жойлашган худудлар бешинчи гурухдан ўрин олган бўлиб, аҳоли зичлиги 10 кишига етиб-етмайди. Вилоятлар бўйича бу гурухга биргина Навоий вилояти киради, холос. Республика худудлари бўйича аҳолининг худудий жойлашувидағи энг паст қўрсаткич Навоий вилоятида кузатилади. “Энг кенжা” вилоядта зичлик қўрсаткичи республикага нисбатан 8,4 маротаба кичик, яъни атиги 8,4 кишига тўғри келади.

Демак, республиканинг айрим вилоятлари орасида аҳоли сифими бўйича фарқ жуда катта. Масалан, Андижон вилоятидаги аҳоли зичлиги Навоий вилоятидан 82 баробар юқори. Айни вақтда аҳоли худудий жиҳатдан Андижон вилоятида Қорақалпоғистон Республикасиға нисбатан 63 баробар, Бухоро вилоятига нисбатан 15 баробар, Жиззах вилоятиганисбатан 11 баробар зич жойлашган.

Аҳолиси энг қўп жойлашган (1998 йилдан буён) Самарқанд вилояти ушбу минтақа таркибидадир. Ўрганилаётган даврда (2016 йил) аҳолини туғилиш ва табиий қўпайишнинг ўртача даражаси бўйича тўртинчи ўринда кузатилиб, аҳолиси тез ўсиб бораётган худуд ҳисобланган. Албатта, бунга сабаб худуднинг ўртача ўлим қўрсаткичига эгалигидир. Аҳоли зичлиги бўйича Андижон, Фарғона, Наманган ва Хоразм вилоятларидан кейинги ўринни эгаллаган (293,7 киши). Аҳолининг қишлоқ жойларда тез қўпайиб бораётгани ҳам алоҳида аҳамиятга эга.

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз демографик вазиятидаги ўзгаришлар Бухоро вилоятига ҳам хосдир. Яъни, аҳоли сонининг ўсиш суръати кейинги йилларда пасайганлигини кўриш мумкин. 2016 йилда 1843,5 минг киши яшаган. Аҳолининг ўртача табиий қўпайиш даражаси йилдан йилга пасайиб бориши натижасида ўрганилаётган даврда ўртача табиий

кўпайиш 18,7 промиллега тенг бўлган, бу даражада Андижон, Фарғона вилоятларидан 0,5 промилле, Наманган вилоятидан 2,2 промиллега кам демакдир. Буни туғилиш даражасининг кескин камайганлиги ва ташқи миграция билан изоҳлаш мумкин.

Аҳоли иқтисодий ва ижтимоий ҳаёт қонуниятларига мос ҳолатда тадрижий ўсиб борар экан, демографик жараёнлар ҳам муайян ишлаб чиқариш усули ва ишлаб чиқариш муносабатига боғлик тарзда ривож топади. Аҳоли мураккаб ижтимоий ва табиий ривожланиш маҳсали бўлиб, унга турли омиллар таъсир қўрсатади. Бу жиҳатдан иқтисодёт, социология, география, тиббиёт, тарих фанлари таҳлили мавзуига яқин бўлиб, уларнинг ютуқларидан фойдаланади, айни вақтда, уларга муҳим маълумотлар беради.

Демографик жараёнларнинг шаклланишида иқтисодий-ижтимоий тараққиёт ҳал қилувчи ўрин тутади. Турмуш тарзининг яхшиланиши, тиббий хизмат қўрсатиш сифатининг яхшиланиши демографик жараёнларга ижобий таъсир этиб, аҳоли сонини кўпайишига олиб келса, урушлар, турли ҳил касалликлар, иқтисодий инқирозлар, очарчилик ва бошқа омиллар ўз хусусиятига кўра демографик жараёнларда ўз салбий таъсирини қўрсатади. Демографик жараёнлар – инсонларнинг ҳаётида уларнинг авлодларини алмашуви билан боғлик бўлган воқеаларнинг кечишидан иборат. Ўзбекистон Республикасида мустақиллик йилларида демографик жараёнлар ўзига хослиги билан бошқа даврлардан фарқланади. Республика аҳолисининг ўртacha умр кўриш даражаси сўнгги йигирма йил давомида 67 ёшдан 73,8 ёшга етганининг ўзи кўп нарсадан далолат беради. Жумладан, аёлларнинг умр кўриши 76,2 ёшга, эркаклар ўртасида 71,4 ёшга етди.

Ўзбекистоннинг мустақил ривожланиш йўлига ўтиши унинг демографик тарихида янгича босқични бошлаб берди. Республикада бозор муносабатларининг шаклланиши, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий шароитларнинг ўзгариши натижасида янги демографик ўзгаришлар юзага келди.

Янги иқтисодий муносабатлар шароитида аҳолининг бир вилоятдан

иккинчи вилоятга кўчиши бирмунча секинлашган бўлсада, аммо вилоят доирасида кўчиш бироз фаоллашди. Бунда аҳолининг ички худудий ҳаракатчанлиги қишлоқ-шаҳар йўналишидаги миграция оқимининг ортишида намоён бўлди. Умуман олганда, нафақат, вилоят ичидаги, балки вилоятлараро аҳоли миграциясида ҳам қишлоқ-шаҳар йўналишидаги аҳоли ҳаракатининг жадаллашуви унинг маълумотлилиги, малакаси, касби ҳамда иш билан таъминлаш каби муаммоларнинг ҳал этилиши билан боғлик жараёндир.

Мустақиллик йилларида ички миграция ҳаракатлари ва жами ҳажми унинг ҳамма асосий йўналишлари бўйича (айниқса, қишлоқ-шаҳар) кескин камайди. Мутахассисларнинг фикрича, узоқ муддатли характерга эга бўлган омилларнинг ўзаро мураккаблашуви асосида юзага келган ҳамда бозор иқтисодиётига ўтиш ўз таъсирини кўрсатган. Шу нуқтаи назардан давлат сиёсати, миграцияни қишлоқдан шаҳарга йўналтириш эмас, балки ушбу жараённи камайтириб, мумкин қадар тўхтатишга қаратилди. Бу бутунлай тўғри оқилона сиёсат, чунки ҳозирги пайтда шаҳарларда қишлоқ аҳолиси учун вужудга келган шарт-шароит имкониятлари анча ёмонлашди, чунки кўшимча ишчи кучига талаб камайди, айниқса 1990 - йилларнинг бошидан ишчиларга талаб тизимида сифат кўрсаткичлари пайдо бўлиб, юқори малакали мутахассис кадрларга талаб кучайди. Қишлоқларда эса бундай талабларни қондириш имконияти йўқ эди. Мустақиллик йилларида қишлоқ жойларда ҳам саноат корхоналарининг, илм масканларининг кўплаб очилганлиги сабабли маҳаллий аҳолининг қишлоқ йўналиши тармоқларидаги бандлигини ошириш учун шарт-шароитлар яратилибгина қолмасдан, балки ишчи кучи фаолиятининг бошқа турлари ва социал-маиший инфратузилмаларнинг ривожланиши ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлди. Бу эса ўз навбатида қишлоқдан шаҳарларга кўчишни камайтиришга олиб келади. Ана шу сабабларга кўра, 1996-2016 йиллар миграциянинг ялпи ҳажми динамикасининг таҳлили қарайб икки баробарга камайганини кузатиш мумкин.

Шу билан бир қаторда қишлоқ жойларда маҳаллий аҳолининг қишлоқ йўналиши тармоқларидаги бандлигини ошириш учун шарт-шароитлар яратилибгина қолмасдан, балки ишчи кучи фаолиятининг бошқа турлари ва социал-маиший инфратузилмаларнинг ривожланиши ҳам қўзда тутилган. Бу эса ўз навбатида қишлоқдан шаҳарларга кўчишни камайтиришга олиб келади.

3.2. Миллий мақсадлари индикаторларини шакллантириш.

Қишлоқдаги ортиқча меҳнат ресурсларининг шаҳарга томон интилиши ҳам шаҳар йўналишини тўлдириб борди. Айниқса, мустақиллик йилларида ёшларни босқичма-босқич билим олишларини ташкил этилгани, ўрта-махсус таълим мининг ихтиёрий-мажбурийлиги уларни шаҳарлардаги лицей ва коллежларга ўқишга чорлагани билан изоҳланади. Айни вақтда олий таълим қошидаги лицей ва коллежларда профессор-ўқитувчилардан билим олишга қизиқиши, олий таълимда ўқиш ва ишлаб қолиш жараёнлари ҳам вақтинчалик шаҳарларга миграцияни кенгайтиради.

Республикамизнинг барча вилоятларида бўлгани каби Фарғона вилоятида ҳам аҳолининг қишлоқдан шаҳарга томон ҳаракати доимий амалга ошган. Натижада ўрганилаётган даврни йилма йил кузатилганда барча йилларда қишлоқ аҳолисининг миграция қолдиги манфий тусга эга бўлган, шаҳар аҳолиси эса кўпайиб борган, чунки шаҳардаги майший хизмат кўрсатиш соҳаси ҳамда яшаш шароитлари анчагина ижобий жиҳатдан фарқ қилган. Шу сабабли қишлоқдан шаҳар томон аҳолини интилиши шаҳар аҳолиси орасида миграция ҳаракатларини янада юқорилаб боришига сабаб бўлган. Албатта, шаҳар билан боғланиш қишлоқ аҳолисининг ижтимоий таркиби, маданий даражаси, билим савиясига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатган.

Барча вилоятларида шаҳар-қишлоқ йўналиши доимий кузатилади. Қишлоқларда ерларни хусусийлаштириш, тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш борасидаги ислоҳотлар, аҳолига томорқаларнинг берилиши уларнинг қишлоққа интилишини оширган.

Миграцияда қатнашаётган аҳолининг миқдор ва сифат кўрсаткичла-рини аниқлашда, уларнинг ёш гуруҳларини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Ушбу жараённи 1995-2016 йиллар мисолида ўрганилганда водий аҳолисини миграцион фаолиятида барча ёшдагиларнинг ҳаракати кузатилади. Уларни ҳаракати миграциянинг манфий қолдигини ҳосил қилган. Масалан, 1995 йилда водий ҳудудларига келганлар миграция ҳаракатларининг 41,6 фоизини ташкил этган. 2016 йилда ушбу йилдан бироз фарқланиб, келганлар 4,7 фоизга ортган, кетганлар ҳам 3,1 фоизга камайган. 1995 йилда миграциянинг манфий қолдиги – 15074 кишини ташкил этган бўлса, 2016 йилда бу – 4279 кишига тенг бўлган. Турли миллат вакилларининг ўз юртларига оммавий кўчиб кетиш жараёнларини амалга оширилиши дастлабки йилларда миграция кўрсаткичларини юқори даражада кўтарилишига сабаб бўлган. Секин-аста кўчиб кетувчилар салмоғи ва хоҳишини камайиши миграция жараёнлари кўрсаткичини пасайиб боришига олиб келди.

3.3. Мехнат ресурслари жойлашуви ва улардан фойдаланиш жараёнларини ўрганиш, илмий тадқиқотлар олиб бориш учун муҳим пойдевор сифатида.

Республика аҳолиси таркибида шаҳарларни қишлоқ ҳудудларига нисбатан бироз фарқланишини кузатиш мумкин, яъни шаҳарларда миллатларнинг этник жиҳатдан бойлиги ва сон жиҳатдан юқорилиги сақланиб қолган. Чунки шаҳарларда саноат корхоналарининг мавжудлиги турли миллат вакилларини ўз билим ва тажрибаларини намоён этишига шароит яратиб келган. Масалан, биргина Фарғона шаҳрида 1991 йилда руслар вилоят аҳолисининг 32,0 фоизидан иборат эди, йиллар давомидаги миграция фаолияти натижасида 2016 йилда уларнинг улуши 24,0 фоизни ташкил этган. Туманлар ичida эса Олтиариқда руслар нисбатан кўп бўлиб, 1991 йилда уларнинг улуши 1,4 фоизни, 2016 йилда эса 1,7 фоизни ташкил этган. Украин, татар, корейс, арман ва яҳудий миллатига мансуб аҳолининг ҳам асосий қисмининг улуши шаҳарларга тўғри келганлиги боис, урбанизация жараёнларининг

этник хусусиятларини ўзида акс эттирган.

Маҳаллий миллатларнинг ҳаракатчанлиги ижобий бўлиши билан бирга русийзабон миллатига мансуб аҳоли ҳаракати ҳам ўзига хос кўринишга эга бўлган. Собиқ Иттифоқнинг парчаланиши оқибатида унинг худудларида ижтимоий-иктисодий ўзгаришлар мазкур миллат вакилларининг республика, қолаверса водий худудларидан кўчиб кетишларини бироз тезлаштириди. Жумладан, 1995 йилда русларнинг аҳоли миграциясидаги улуши 12,9 фоизга тенг бўлгани ҳолда (мазкур худуддан кўчиб кетганлар) барча рус миллатига мансуб мигрантларнинг 24,1 фоизи кўчиб келганлардан, 75,9 фоизи кўчиб кетганлардан иборат эди. Худди шундай ҳолат украин, белорус, татар, яхудий миллатига мансуб мигрантларда ҳам яққол кузатилади. Руслар асосан шаҳарларга келиб ўрнашгани боис, кўчиб кетувчиларнинг асосий қисми (96,9 фоиз) шаҳар жойларидан бўлган.

Миллий таркибни миграцияда қатнашуви даражаси уларнинг худудларда жойлашиш салмоғи билан ҳам боғлиқ. Масалан, республика, шунингдек водий худудларида турли миллат вакиллари кенг тарқалган. Хусусан, тоҷиклар республика аҳолиси орасида нисбатан катта улушга эга. 2016 йилда уларнинг ҳиссаси 4,8 фоиз бўлиб, барча вилоятларда истиқомат қиласди. Асосан Сурхондарё (12,5 фоиз), Самарқанд (7,5 фоиз), Наманган (8,9 фоиз), Фарғона (5,9 фоиз), Тошкент (5,3 фоиз) ва Қашқадарё (4,4 фоиз) вилоятлари аҳолиси таркибида ушбу худудлардаги ўзбеклардан бошқа вакилларидан бошқа миллат вакилларидан кўпроқ бўлган.

Қирғизлар республика аҳолисининг 0,9 фоизини, водий аҳолисини эса 2,3 фоизини ташкил этган. Қирғиз миллатига мансуб аҳолининг 3/4 қисми водий вилоятларига тўғри келиб, Андижон вилояти аҳолисининг 3,7 фоизини, Фарғона вилояти аҳолисининг 2,0 фоизини, Наманган вилояти аҳолисининг 0,8 фоизини ташкил этган. Бугунги кунда қирғизлар Янгиқўрғон ва Чорток туманларида йирик ареаллар ҳосил қилган ҳолда, бошқа туманларда эса якка ҳолда яшайди.

Андижон вилоятида қирғизлар ва тоҷиклар асосан чегарага туташ ёки

яқин қишлоқ туманларида, айниқса Қўргонтепа, Хўжаобод, Булоқбоши, Марҳамат, Асака, Пахтаобод, Избоскан туманларида истиқомат қиласди. Тожиклар энг қўп Андижон шаҳрида истиқомат қиласди. Уларнинг улуши шаҳар жами аҳолисининг 14,1 фоизига teng бўлган. Шунингдек, Асака туманида кўпроқ ареал ҳосил қилиб яшайди, жами вилоятдаги тожикларнинг 11,9 фоизи, туман аҳолисининг 1,4 фоизидан иборат бўлган. Қўргонтепа (10,2 фоиз) туманида ҳам тожиклар бошқа ҳудудларга нисбатан кўпроқ эди. Қирғизлар Қўргонтепа (10,4 фоиз) ва Шаҳрихон (10,1 фоиз) туманларида ҳам нисбатан кўп яшаган.

Русийзабон аҳоли кўпроқ шаҳар жойларда истиқомат қиласган. Улар ўз меҳнатлари билан ислоҳотларни босқичма-босқич амалга ошириш жараёнларида иштирок этиб келмоқдалар. Лекин, ўтган йилларга нисбатан сон жиҳатдан ушбу миллат вакиллари анча қисқариб борган. Айни пайтда рус миллатига мансуб аҳолимиқдорининг жами водий аҳолиси сонидаги улуши 1991-2016 йиллари 5,3 фоиздан 1,1 фоизга ўзгарган. Аҳоли сонида украин, белорус, озарбайжон, татар, еврей, немис ва бошқа-ларни улушининг пасайиб боришига уларнинг миграцияда иштирокини юқо-рилиги ва туғилиш даражасини пастлиги сабаб бўлган. Русийзабон миллатларини нисбатан секин ўсиши ва аҳоли сонида салмоғининг пасайиб бориши улардаги табиий ўсишнинг сустлиги ва механик ҳаракатининг устунлиги билан тавсифланади.

Республикада маҳаллий аҳоли орасида туғилиш даражаси русийзабон халқларидан анча юқорилиги билан ажралиб туради. Масалан, 2015 йил маълумотларига кўра, ўзбекларда туғилиш даражаси 25,4 промиллека тўғри келса, қорақалпоқларда 25,2 промиллени, қозоқларда 21,2 промилле, тожикларда 19,8 промилле, қирғизларда 19,1 промилле, ташкил этган. Руслар, украинлар, белоруслар, татарлар ва бошқа миллат вакилларида туғилиш даражаси анча пастлиги билан фарқланган. Республикада туғилишнинг ўртача даражаси ўрганиб чиқилганда энг паст кўрсаткичга эга бўлган Тошкент шаҳри, Тошкент, Бухоро, Навоий вилоятларида ушбу

миллатлар улуши кўпроқ эди.

Юқорида айтиб ўтилганидек, аҳолининг миграция ҳаракатларида меҳнатга лаёқатлилар қўп ҳаракатчанлиги билан алоҳида хусусият касб этади. 2016 йилда водий ҳудудларига келганларнинг 82,3 фоизи, кетганларнинг 91,4 фоизи меҳнатга лаёқатли ёшдагилар ҳисобланган. Меҳнатга лаёқатли аҳолидан катталар эса жами келганларнинг 3,7 фоизини, кетганларнинг 5,8 фоизини ташкил этган.

Юқоридагилардан шундай хулоса чиқариш мумкинки, Фарғона водийси аҳолиси республиканинг бошқа ҳудудлари сингари кўпмиллатли хусусиятига эга. 1991-2016 йилларда аҳолининг умумий ўсишига таъсир этувчи омиллар сабабли водий аҳолиси сонида маҳаллий миллат вакиллари, айниқса ўзбеклар салмоғи ошиб бориши ва айрим миллат вакиллари улушининг камайиб бориши кузатилади. Шаҳарлардаги кўпмиллатли таркибни қишлоқларга нисбатан устунлиги урбанизация жараёнларини этник хусусиятларини ўзида намоён этган.

Республика ҳудудларида кўпмиллатли таркибни юзага келиши туб аҳолининг, қолаверса ўзбекларнинг қон-қонига сингиб кетган меҳмондўстлик, қардошлиқ, диний бағрикенглик, миллатлараро ҳамкорлик, бирдамлик, дўстлик,adolatлилик, тенглик каби инсонпарвар хусусиятлар янада амалий ифодасини топди, кенг қулоч ёйди ва жаҳон миқёсида эътирофга сазовор бўлди.

Йиллар давомида юртимизда яшаётган турли миллат вакиллари ушбу юртни ўз она – Ватанлари билиб, унга садоқатини намоён этиб келмоқдалар. Албатта, тарих давомида мажбуран ёки ихтиёрий кўчиб келган миллатларни фарзандларининг “киндиқ қони тўкилган Ватан”и – бу Ўзбекистон саналади. Улар орасида рус миллатига мансуб Фарғона шаҳар халқ маорифи директори Гостюхина Раиса Александровна фахр ва ғурур билан, ҳаяжонланган ҳолда: “Мен Россияда эмас, Украинада эмас, Кавказда ёки, Тожикистанда эмас, айнан Ўзбекистонда истиқомат қилаётганимдан ниҳоятда бахтиёрман, дея таъкидлади. Дарҳақиқат, Фарғона вилоятида 84 та турли миллат вакиллари

дўст ва иноқ ҳаёт кечираётган бўлса, уларнинг барчаси тенг ҳукуқ ва тенг имкониятларга эга эканликларини яхши билишади.

Миграция жараёнларида реэмиграция, яъни қўчиб кетганларни яна қайтиб қўчиб келиш ҳаракатлари ҳам намоён бўлади.

Реэмигрантлар ўзларининг Ўзбекистонга қайтиб келиб сабабларини куйидагилардан иборат деб кўрсатишган:

–социал-иқтисодий, майший муаммоларнинг ҳал этилмаганлиги (60,0 фоиз);

– МДҲ даги айрим (масалан, Украина) мамлакатларида умумий ижтимоий – сиёсий, иқтисодий ҳолатнинг, айниқса улар жойлашмоқчи бўлган минтақалардаги ҳолатнинг беқарорлиги (17,0 фоиз);

–оилавий муаммолар: оила аъзолари бир қисмининг Ўзбекистондан қўчиб кетишни хоҳламаганлиги (8,0 фоиз);

–борган жойлардаги иш топиш билан боғлик бўлган муаммолар (6,0 фоиз),

–сиҳат-саломатлик ҳолати (2,0 фоиз).

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонга қайтиб келганларнинг 80,0 фоизи, энди бошқа қўчиб кетишни хоҳламасликларини айтишган. Қайтиб келган реэмигрантларни Ўзбекистон ўзининг барқарор социал – иқтисодий ҳолати билан (52,2 фоиз), миллатлараро тотувлик ва ҳамжиҳатлиги (27,0 фоиз) билан ўзига жалб қилган. Ҳақиқатда, мустақилликнинг дастлабки йилларида яъни собиқ шўро ҳудудида кескин ўзгаришлар рўй бериб, беқарорлик ҳукм суроётган бир шароитда Ўзбекистонда тинчлик ва барқарорлик сақлаб қолинди ва машаққатли довонлар оша ҳимоя қилиб келинмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, истиқлол йилларида республикада аҳолининг миллий таркибида ҳам ўзгаришлар юз берди. Масалан, водийда ўзбеклар 1999 йилда 88,2 фоизни, 2016 йилда эса 98,8 фоизни ташкил этган. Бунга сабаб, ўзбекларда туғилиш даражасининг нисбатан юқорилиги, туғилиб ўсган ватанига боғланиб қолиш хусусияти бўлса, иккинчи томондан мустақиллик арафасида ва мустақилликнинг дастлабки йилларида бошқа

миллат вакилларининг ўз тарихий ватанига қайтиши натижасида улар сонининг камайиши бўлди.

Кузатилаётган давринг бошларида турли миллат вакилларининг ўз ватанларига қайтиш эҳтиёжлари қондирилгач, ушбу миграция кўринишлари пасая бошлади. Дарҳақиқат, миграция жараёнларининг кейинги қўриниши меҳнат миграцияси билан боғлиқ бўлди. Ушбу кўринишдаги миграция ҳаракатларида ўзбеклар кўпроқ қатнашдилар. Натижада, 1995 йилда ўзбекларнинг миграция ҳаракатларидағи улуши 67,9 фоиздан иборат бўлса, 2016 йилда 92,6 фоизга етди.

Аҳоли сонида украин, белорус, озарбайжон, татар, яхудий, немис ва бошқаларнинг улуши ҳам пасайиб борган. Бунга, улардаги миграцияда қатнашишнинг юқорилиги ҳамда ёш таркиби билан боғлиқ ҳолда туғилиш, ўлим даражалари сабаб бўлган.

2012-2016 йиллар мобайнида Ўзбекистонга иммиграция натижасида 750967 киши кўчиб келган бўлса, эмиграция миқдори 920594 киши бўлиб, улар хорижга йўл олган. Ташқи миграция сальдоси манфий, яъни 169627 кишига teng бўлган бўлса, шундан 6,5 фоизи ёки 11,8 минг киши Фарғона минтақасига тўғри келади.

Миграция ҳаракатларида турли миллат вакилларининг иштирокида меҳнатга лаёқатлилар салоҳияти юқори бўлган. Бундан ташқари, миграция иштирокчилари орасида туркман, қозоқ, яхудий, турк, уйғур, белорус, бошқирд, немис каби миллат вакилларининг улуши 0,1 фоиздан ошмаган.

Хулоса шуки, мустақиллик йилларида Фарғона водийси худудларида юз берган миграция ҳаракатларида республикада кузатилган ҳолатлар билан бирга ўзига хос хусусиятлар ҳам намоён бўлган. Миграция жараёнларининг объектив сабаблари қўйидагилардан иборат:

–мустақилликнинг дастлабки йилларида республикада бўлгани сингари водийдаги миграция ҳаракатлари асосан собиқ Иттифоқ республикалариға қаратилди, советлар мустамлакаси даврида мажбуран кўчириб келтирилган турли миллат вакилларининг Ўзбекистондан ўз тарихий ватанларига қайтиб

кетиши жараёни юз берди ;

– водийда аҳолининг миграцияда иштироки турли босқичларда намоён бўлди: масалан, республика миқиёсида, вилоят миқиёсида, вилоятлараро, чет давлатлар билан бўлган ички ва ташқи миграцияларни мисол қилиш мумкин;

–1991-2016 йилларда миграциянинг умумий ҳажми, яъни қатнашаётганлар сони камайиб борди;

–мустақилликнинг дастлабки йилларида кўчиб кетувчиларнинг катта қисмини профессионал тайёргарликка ва юқори малакали мутахассислар ташкил этган бўлиб, ушбу ҳолат секин-аста камайиб боргани кузатилади;

– ишчи кучи миграцияси аҳолининг миграция ҳаракатларида асосий мезон бўлиб қолмоқда. Иштирокчиларнинг асосий қисми меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли, миграциянинг асосий ҳаракатлари вақтинча миграция тусини олган, улар орасида 20-24 ёш гуруҳларининг фаоллиги бошқа ёш гуруҳларига нисбатан устун;

– Фарғона минтақасида аҳоли миграцияси манфий сальдога эга;

–оилалиларнинг ҳаракатлари устун, улар ўз эҳтиёжларидан келиб чиқиб, асосан меҳнат миграциясида иштирок этганлиги билан фарқланади;

– мигрантларнинг ҳақ-хукуқларини ҳимоя қилиш учун ташқи миграцияни, хусусан хорижий мамлакатларга халқаро шартнома асосида аҳоли миграциясини ташкил этиш зарур;

– бугунги кунда айрим мамлакатларда ишчи кучига бўлган талабнинг ортишини ҳисобга олиб, ташқи миграцияни уларга кўпайтириш керак;

демографик вазиятдан келиб чиқсан ҳолда ташқи миграцияни қўллаб-қувватлаш ва унга тўғри баҳо бериш лозим. Ишчи кучи миграциясининг Фарғона водийси ижтимоий-маънавий турмушига таъсирини турлича талқин этиш мумкин. Аввало, мутахассис сифатида ўз иш жойига эга бўлиб, моддий манфаатдорлиги қондирилади, айрим касбдагилар ҳатто, катта микдордаги маошга ҳам эга бўладилар. Бироқ, бунинг иккинчи томони шуки, мутахассис ўз юртида ҳам зарур соҳа вакили бўлгани ҳолда, ўзга юрга кетиб қолганлигини салбий ҳолат, деб баҳолаш мумкин. Шу билан бирга, юрт

соғинчи, мусоғирчилик маşaққатлари, оилавий масалалар, айниқса, ота ёки онанинг хорижга кетиши фарзандлар тарбиясига ҳам ўзининг салбий таъсирини ўтказмай қолмайди.

Ишчи миграцияларнинг демографик жараёнлари оилавий турмуш шароитлар ҳамда ахолининг аёллар ва эркаклар сони ўртасида номутаносибликларни келтириб чиқармоқда.

Агар вилоятлар кесимида олинса, республика миқёсида етакчи ўринда Хоразм ва Бухоро вилоятларини мисол қилиб келтириш мумкин. Фарғона водийсида янги ташкил этилаётган саноат корхоналари ва қўшма корхоналар аҳоли бандлигини таъминлашга хизмат қилмоқда. Бундай ҳолати ўзбек миллатидан ташқари, бошқа миллат вакиллари ҳаётига ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда.

Бугунги кунда хотин-қизлар ва ёшларни давлат томонидан ижтимоий қўллаб-куватлашни янада кучайтиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада кўрилган амалий чораларга қарамасдан, ҳалигача республикада оғир турмуш шароитида яшаб, иш билан таъминланмаган 13 мингдан зиёд хотин-қизлар борлиги ачинарлидир. Шу муносабат билан Президент Мурожаатномасида белгилаб қўйилдики, 2019 йилда турмуш шароити оғир бўлган 1 минг 600 нафар хотин-қизларни имтиёзли кредитлар асосида арzon уй-жойлар билан таъминлаш вазифаси топширилди. Бу эса, хотин қизлар ўртасида ташқи миграциянинг олдини олишда ҳам муҳим аҳмиятга эга, дейиш мумкин.

Назорат саволлари ва тест топшириқлари:

1. Ўзбекистон аҳолиси сони қанча ва охирги йилларда Ўзбекистон аҳолиси сони қанчага кўпайди?
2. Табиий кўпайиш ва механик кўпайиш тушунчаларини изоҳланг.
3. Аҳоли мигратцияси деганда нимани тушунасиз?
4. Аҳолининг ёш ва жинсий таркиби қандай кўрсаткичларга эга?
5. Ўзбекистон аҳолисининг қанча қисми қишлоқларда истиқомат қиласи?
6. Ўзбекистон аҳолиси халқ хўжалигининг қайси соҳларида энг кўп банд?

4-мавзу: 4-мавзу: Мехнат ресурслари жойлашуви ва улардан фойдаланиш жараёнларини ўрганиш, илмий тадқиқотлар олиб бориш учун муҳим пойдевор сифатида. (2 соат)

РЕЖА:

1. Мехнат ресурслари жойлашуви ва улардан фойдаланиш жараёнларининг омиллари
2. Мехнат ресурслари жойлашуви ва улардан фойдаланишнинг илмий услублари ҳамда йўллари.

Таянч сўзлар:Мехнат ресурслари, жараёнларини ўрганиш, илмий тадқиқотлар, Мехнат ресурслари жойлашуви, илмий услублар, тадқиқотлар обеъкти.

4.1. Мехнат ресурслари жойлашуви ва улардан фойдаланиш жараёнларининг омиллари

Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигини қўлга киритган дастлабки кунларданоқ аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишни устувор вазифалардан бири сифатида белгилаб олди. Олиб борилаётган ислоҳотларнинг аввало, аҳоли манфаатларига хизмат қилишининг исботи деб баҳолаш мумкин. Жаҳонда эътироф этилган Ўзбекистондаги янгиланиш ва тараққиёт йўлининг асосий қоидаларидан бири – бозор иқтисодиётига ўтишнинг беш тамойилнинг айнан бири ҳам кучли ижтимоий ҳимояга йўналтирилган. Мазкур тамойил ижтимоий вазифаларни ҳал этишга, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш соҳасида қатъий кафолатни вужудга келтиришга йўналтирилган экан, бозор ислоҳотларини чуқурлаштиришнинг миллий модели асосидаги иқтисодий сиёсатда инсон манфаатларини ҳимоя қилиш, аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш, кам таъминланган қисмини ижтимоий ҳимоялаш, ногиронлар, пенсионерлар, ёлғиз қариялар, ёш болали аёлларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ҳамиша долзарб бўлиб қолади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947–сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол тадбиркорлик, инновацион гоялар ва технологияларни қўллаб-кувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги Фармонда белгиланган вазифаларни амалга оширишга жиддий эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаб ўтганидек, “Самарали меҳнат учун зарур шароитлар, муносиб иш ҳақи, замонавий уй-жойлар, сифатли таълим ва тиббий ёрдам, дам олиш ва ҳордиқ чиқариш учун кенг имкониятлар яратиш–буларнинг барчаси иқтисодий соҳадаги ислоҳотларимиз моҳияти ва мазмунини белгилаб берадиган муҳим омиллардир”. Ана шу мақсадда, 1997 йилдан эътиборан ҳар йили ижтимоий ҳимоя тизимига ажратиладиган сарамояларнинг қўлами ортиб бормоқда. Жумладан, 1997 йилдан бошлаб ҳар бир йилга тегишли равища инсон баҳтсаодати ва унинг фаровонлигига хизмат қиласидиган номларнинг берилиши ва маҳсус Давлат дастурларнинг қабул қилиниб, амалиётга жорий этилганлиги, мавжуд ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш ва бунга жамоатчиликни жалб этишда ўзининг ижобий самарасини бериб келмоқда.

Мустақилликка эришилгач, аввало, Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 30 сентябрдаги 476-сонли қарори билан Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги тўғрисидаги Низоми тасдиқланди, унинг асосий вазифаси этиб, жумладан, меҳнатга лаёқатсиз аҳолининг ижтимоий таъминоти ва уларга ижтимоий ёрдам бериш соҳасида давлат сиёсатини шакллантириш, кекса ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш, пенсиялар ва нафақалар тўлашга йўналтирилган ижтимоий суғурта маблағларидан самарали фойдаланиш, пенсиялар ва нафақалар тўлаш ишларини ташкил этиш, кекса фуқаролар,

ногиронлар, вояга етмаган болалари бўлган оилаларга ижтимоий-маиший хизмат кўрсатиш, имтиёзлар, санатория-курортда даволаниш йўлланмаларини ва ҳаракат қилишининг маҳсус воситаларини беришни ташкил этишш, даволаш меҳнат ва тиббий-ижтимоий экспертиза хизматига, ногиронларнинг меҳнат қобилиятини тиклаш бўйича ишларини амалга ошириш, ногиронларга ҳунар ўргатиш ва уларни қайта ўқитиш белгиланди.

Бу вазифаларни амалга ошириш учун аввало, ахоли даромадларининг энг кам ва ўртача даражаси мунтазам ошириб борилди. Сўнгра, ички истеъмол бозорини ҳимоя қилиш, озиқ-овқат маҳсулотлари асосий турлари истеъмолини муайян даражада сақлаб туриш бўйича чора-тадбирлар кўрилди, пенсионерлар, ногиронлар, эҳтиёжманд ахоли, кўп болали ва кам даромадли оилалар, ишсизларни ижтимоий ҳимоялаш бўйича амалий чоралар кўрилди.

2001 йилда фуқаролар томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон хукуқлари бўйича вакили (Омбудсман)га бўлган мурожаатларнинг 10,3 фоизи ижтимоий муҳофаза масалалари билан боғлиқ бўлганлиги, бу масаланинг ҳозирги бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида нақадар муҳим эканлигини кўрсатади.

2007 йил 23 январдаги “Ижтимоий ҳимоя йили” Давлат дастури тўғрисида”ги Қарорида амалдаги ижтимоий ҳимоя тизими самарадорлигини янада ошириш, ижтимоий ночор фуқароларга табақалашган ҳолда ёндашувни кучайтириш, янги қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш, амалдаги қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш кераклиги белгилаб берилди. Масалан, 2006 йилда бюджет маблағларининг 51,9 фоизи, 2007 йил – “Ижтимоий ҳимоя йили “Давлат дастури доирасида аҳолининг ижтимоий ҳимоясига 484 млрд. сўмдан ортиқ (53,8%), “Ёшлар йили” да 1,5 трлн. сўмдан ортиқ(54,6%), “Баркамол авлод йили” доирасида 1 трлн. 700 млрд сўм, “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик” йилида 2 трлн сўм миқдоридаги маблағ ажратилди.

2016 йил – “Соғлом она ва бола йили” Давлат дастури доирасида болалар спортини ривожлантириш, ёш оиласар, тадбиркор аёллар, коллекцияни битиувчилари, оиласарий бизнес ва хунармандчиликни қўллаб-куватлаш ва бошқа шу каби мақсадлар учун барча манбалар ҳисобидан 7 трлн 480 млрд сўм ва 190 млн \$ зиёд маблағ сарфланди. Давлат маблағларининг 59,1 фоизи ижтимоий соҳага йўналтирилиши назарда тутилган эди, жумладан, таълим-тарбия соҳасига давлат бюджети харажатларининг 33,7 фоизи, соғлиқни сақлаш тизимиға 14 фоизи йўналтирилди. Таълим-тарбия соҳасини таъминлаш ва ривожлантириш сарф-харажатлари ўтган йилга қараганда 16,3 фоизга, соғлиқни сақлаш тизимида 16 фоизга кўпайди. Кўриниб турибдик, аҳолининг ижтимоий ҳимоясига йўналтирилган маблағларнинг миқдори йилдан- йилга ортиб бормоқда ва бу бошқа соҳаларга қараганда миқдори анча катта.

Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ аҳолининг кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини моддий қўллаб кувватлашнинг қонунчилик тизими яратилди. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 39-моддасида: “Ҳар бир шахс қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, боқувчисидан айрилганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда давлат ижтимоий таъминотини олишга ҳақли” деб белгиланган бўлиб, ушбу тамойил ҳукумат томонидан амалга оширилган аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож қатламларини ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирларда ўз ифодасини топди. Мустақилликнинг дастлабки йилларида аҳо лининг кайфиятидаги айрим муаммоларни ҳам ҳал этиш зарурати туғилди. Жумладан, совет давридан сақланиб қолган боқимандалик, ўзибўларчилик каби иллатларни бартараф этиш, уларнинг онгига сингиб кетган “умумманфаатчилик”, “бир текисчилик” каби тушунчалардан холос этиш лозим эди.

Ана шуларни ҳисобга олиб, Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳимоя қилиш пенсия, ижтимоий ёрдам ва ижтимоий хизмат қўринишларда

намоён бўлади. Ижтимоий ҳимоянинг бир кўриниши сифатида пенсия 3 хил тоифадаги фуқароларга берилади:

1. Ёшга доир
2. Ногиронлик
3. Боқувчисини йўқотганлиги муносабати билан бериладиган пенсия сифатида таъминланади.

Юзага келган умумий ижтимоий-иктисодий ва демографик вазиятдан келиб чиқсан ҳолда, Республика аҳолисининг таркибига ҳам эътибор кучайтирилиб, аҳоли таркибий сифатининг асосий таснифлари қўйидаги омилларда белгиланди:

- аҳоли саломатлиги даражаси;
 - болалар, оналар ўлими ва умумий ўлим даражаси;
 - аҳоли умрининг ўртacha давомийлиги;
 - аҳолининг маълумот даражаси;
 - аҳолининг ижтимоий таркиби;
 - аҳолининг урбанизациялашганлик даражаси;
 - умуминсоний қадриятларга муносабат.
- Республика хукумати томонидан кўрилган чоралар натижасида ислоҳотларнинг дастлабки босқичида аҳоли турмуш даражасининг бутунлай пасайиб кетишининг олдини олишга эришилди. Бу борада давлат сиёсати ижтимоий кескинликни юмшатиш мақсадидан келиб чиқиб, шакллантирилди. Озиқ-овқат товарларини меъёрлаштирилган ҳолда сотиш каби чора-тадбирлар амалга оширилди. Муаммоларни ҳал этишга давлат сиёсати даражасида, аҳоли эҳтиёж ва манфаатларидан келиб чиқиб ҳаракат қилинди. Ҳукумат томонидан 1991 йилнинг ноябрь ойида Ўзбекистон Республикаси ижтимоий таъминот вазирлигига тегишли ҳолатни бир ой муддатда чуқур таҳлил этиш ва бу соҳани ривожлантириш бўйича аниқ таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш вазифаси берилди. Пенсия таъминоти ишида ислоҳотлар ўtkазиш, кам таъминланган оилалар, ногиронлар устидан

ғамхўрлик қилиш вазифалари белгиланди. Аввало, аҳолининг энг кам даромадли табақалари, яъни: ногиронлар, пенсионерлар, кўп болали ва кам таъминланган оиласлар, вақтинча ишсиз кишилар, умуман қийин аҳволга тушиб қолган инсонларга яқиндан ёрдам кўрсатиш ижтимоий ҳимоялаш тизимининг асоси бўлиб, шу максадда аҳолининг мазкур тоифалари учун кундалик зарур молларни сотиб олишда, коммунал ва транспорт хизматига ҳак тўлашда қўшимча имтиёзлар жорий этилди. 16 ёшгача бўлган болаларга нафақа тўлаш тизими амал қилиниб, икки ёшгача бўлган гўдаклар ҳамда камқонлик касалига учраган ҳомиладор аёлларнинг бепул овқатланиши ташкил этилди. Мактабларда бошланғич синфларнинг ўқувчиларига бепул нонушта берилди. Тингловчилар учун тушлик овқати қийматининг 50 фоизи чегириб ташланди. Шунингдек, республика вилоятларидан келган тингловчилар учун 50 сўмдан қўшимча маблағ ажратилди.

1993 йил 3 сентябрда Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонуни қабул қилиниб, 1994 йил 1 июлдан кучга кирди. Қонунга асосан, фақат иш стажи мавжуд бўлган шахсларгагина пенсиялар тайинланиши белгиланган. Бу пенсиялар ёшга доир, ногиронлик ва боқувчисини йўқотганлик пенсияларидир.

1994 йил 1 июлдан миллий валюта (сўм) кучга кирди. Маълумки миллий валютадан олдин сўм-купон Ўзбекистон пул бирлиги сифатида муомалада бўлган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 15 ноябрдан “Ўзбекистон Республикаси худудида параллел тўлов воситаси сифатида сўм-купонларни жорий қилиш тўғрисида”ги 1993 йил 12 ноябрядаги 550-сон қарори билан ички бозорни ортиқча рубль омборидан, шунингдек, аҳолига пул маблағларини ўз вақтида тўлашни таъминлаш, сўмнинг қўшимча банкноталари жорий этилди ва 1994 йил июль ойига қадар амалда қўлланилди. Бироқ, 1994 йил 1 августгача улар 1000 сўмлик купон = 1 сўм миқдорида чекловларсиз барча турдаги тўловларга қабул қилинган.

1996 йил 4 декабрдаги “Болали оиласларни давлат томонидан қўллаб-куватлашни янада кучайтириш тўғрисида”ги ПФ-1657-сон Фармонга

мувофиқ равишда 16 ёшга тўлмаган болалари бўлган муҳтож оиласарга нафақа тайинлаш ва табақалаштирилган (оиласадаги болалар сонига боғлиқ равишда) ҳолда тўлаш ҳақидаги қоидалар тасдиқланди. Шунингдек, 1997 йил январдан бошлаб, болали оиласарга нафақалар фуқароларнинг ўзини - ўзи бошқариш органлари, яъни маҳалла фуқаролар йигинлари томонидан тайинланиши, бунда оиласарнинг шундай нафақага муҳтожлиги ҳисобга олиниши ҳамда 1 нафар болали оиласага 100 фоиз, 3 нафар болали оиласага 140 фоиз, 4 нафар ва ундан ортиқ болали оиласарга 175 фоиз миқдорида нафақа тўланиши белгилаб қўйилди.

Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш масалалари ижтимоий таъминот органлари билан бирга Мехнат, Молия, Соғлиқни сақлаш, Алоқа вазирликлари, Пенсия Жамғармасига ҳамда жамоат ташкилотлари бўлган Кўзи ожизлар, Кар-соқовлар, Ногиронлар, Қизил Яримой жамиятлари, “Мехрибонлик”, “Болалар”, “Наврӯз”, “Соғлом авлод учун” каби хайрия жамғармаларига ҳам юклатилгандир. Натижада, кам таъминланган, ёрдамга муҳтож аҳоли қатламларини қўллаб-қувватлаш, уларга ҳар томонлама ғамхўрлик кўрсатиш чоралари қўрилди. Пировардида, бозор механизмини жорий этишдан аввал одамларни ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоялаш бўйича кучли эҳтиёт чоралари олдиндан кўриб қўйилиши объектив зарурат эканлиги ҳаётда ўз исботини топди.

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистоннинг демографик сиёсати она ва бола соғлигини мустаҳкамлаш мақсадида туғилишни тартибга солишга қаратилган. Бунда туғилишни сонини камайтиришга ҳатто ишора ҳам йўқ. Сўз фақат туғилишни тартибга солиш маданияти ҳақида бориши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти бу ҳақда қуйидаги фикрларни билдирган: – Оиласда қанча бола бўлади – буни ота-онанинг ўзи ҳал қиласди. Ҳар ким ўзи ақл билан ўйлаб, саломатликни, имкониятни ҳисобга олиб хulosса чиқарсин. Фақат битта шарти бор – туғилган бола соғлом ўссин, улғайиб вояга етгач, жамиятимизнинг баркамол аъзоси бўлсин, янги қурила-диган оиласдан янада соғломроқ авлод бунёдга келсин. Зеро,

мустақиллик йилларида оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш йўлидаги ижобий ишлар натижасида туғиши ёшидаги аёллар ва гўдаклар ҳаёти билан боғлиқ нохуш ҳолатлар камайтирилди. Айниқса, инсон соғлиги, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир норматив хужжатларни ҳаётга тадбиқ этилиши, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг амалдаги ифодаси эканлигини кўрсатади.

Ижтимоий ҳимоя масаласи кун тартибida энг долзарб бўлиб, бу борада катта ишлар амалга оширилди. Соғлом авлоддангина соғлом фарзанд дунёга келади. Олиб борилган назарий ва амалий тадқиқотлар натижасига кўра аёл киши қанчалик қўп ва тез-тез фарзанд қўриши унинг турли хил касалликларга чалинишига сабаб бўлиши, ҳомиладорликнинг асоратлар билан кечиши, натижада чала туғиши, оғир тутруқни бошдан кечириш, чақалоқнинг нобуд бўлиши, умрбод ногиронлик каби ҳолатлар рўй беради. Аҳоли орасида тиббий маданиятни ошириш аёлларнинг соғ-саломат бўлишлари, ҳомиладорлик, тутруқ жараёнларини асоратсиз ўтказишлари ва соғлом болаларни дунёга келтиришлари учун замин яратади.

Республиканинг мустақиллик йилларида демографик тарихида аёлларни репродуктив ёшининг ўзгариб бориши ҳам она ва бола саломатлигига катта аҳамият касб этмоқда. Айниқса, Фаргона водийси вилоятларида 2003 йилда 1996 йилга нисбатан 15-19 ёш (5,4 марта), 20-24 (1,4 марта), 25-29 (1,2 марта), 30-34 (1,3 марта), 36-39 (1,5 марта), 40-44 (1,7 марта), 45-49 (3,1 марта) ёш босқичлари бўйича аёлларда туғиши кўрсаткичлари камайган. Минтақа аёлларида туғиши кўрсаткичи 15-19 ва 45-49 ёшларга тўғри келган. 20 ёшдан то 49 ёшгача бўлган аёллардаги туғиши кўрсаткичлари босқичма-босқич камайиб, оиласарда бешинчи, олтинчи ва ундан кейинги фарзандларнинг туғилиши камайган(Изоҳ: ёш таркибига кўра ҳар 1000 нафар аёлга нисбатан тирик туғилганлар). 1996 йилда 20-24 ёшгача бўлган аёллар орасида туғиши (266,18) нисбатан юқори бўлган. Ундан кейинги даражада 25-29 ёшдаги (186,05) аёлларга тўғри келган. Туғиши

кўрсаткичининг учинчи даражаси 30-34 ёшдаги (93,05) аёлларда кузатилади. 15-19 ёшдаги аёллар фарзанд кўриш даражаси бўйича тўртинчи ўринда бўлган. Бундай натижаларга эришишда, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, она соғлигини мустаҳкамлаш, соғлом фарзанд туғилиши, “Соғлом она – соғлом бола” мақсадли вазифаларини амалга ошириш учун жойларда вилоят ҳокимлари фармойишлари асосида ташкил этилган чора-тадбирлар мухим аҳамиятга эга бўлди.

1996 йилдан 2003 йилгача бўлган давр оралиғида биринчи ва учинчи фарзанд кўрганлар сони йилма-йил ортиб борган. Тўртинчи, бешинчи ва ундан кўп фарзанд кўрганлар улуши эса камайган. Натижада водийда учинчи фарзанд кўрган аёлларнинг улуши нисбатан юқорироқ, яни 7,1 фоизга, биринчи фарзанд кўрганларнинг улуши эса 1,8 фоизга ортгани аниқланди. Аёлларда фарзанд кўришнинг тўртинчи болалар туғилишида 0,3 фоизга, бешинчи ва ундан юқори болалар туғилишида 1,6 фоизга камайган. Демак, нафакат бешинчи, балки тўртинчи фарзанд кўриш даражасида ҳам камайиш юз берган.

2011 йилга келиб, Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг “Ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз фуқароларга уйда ижтимоий ёрдам кўрсатиш ҳақидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида” ги буйруғига асосан ижтимоий хизмат ходимларининг асосий вазифалари тизими ишлаб чиқилди. Унга кўра, ижтимоий хизмат ходимлари томонидан ногиронларни зарур озиқ-овқат маҳсулотларини уйига етказиб бериш, кийимлари ва уй анжомларини тозалаб бериш, тиббий ёрдам кўрсатиш каби вазифалар юклangan ва улар аҳолининг ишсиз қатламидан саралаб олинади. 2011 йил 30 майдаги “2011-2015 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ, вилоятларидаги Ногиронлар учун худудий реабилитация марказлари даволаш корпуслари қайта таъмирланди.

Ижтимоий ҳимояни кучайтириш, ижтимоий қўллаб - қувватлашга

Эҳтиёжманд аҳоли қатламларининг турмуш даражасини ва сифатини юксалтириш, 2008-2013 йилларда Ўзбекистонда ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ аҳоли қатламини қўллаб-қувватлашга 135 дан ортиқ лойиҳа учун 1 млрд 614,5 млн сўмдан ортиқ маблағлар йўналтирилган. Натижада, ҳимояга муҳтоҷ бўлган жисмоний имконияти чекланган фуқароларга ва ёлғиз пенсионерларга ижтимоий хизматлар кўрсатиш, тиббий-ортопедик маҳсулотлар, реабилитация техник воситаларини ишлаб чиқариш, ижтимоий тиббий хизматлардан фойдаланиш имкониятлари кенгайтирилди.

4.2. Мехнат ресурслари жойлашуви ва улардан фойдаланишининг илмий услублари ҳамда йўллари.

Мутахассисларининг фикрича, ўзбек оиласарида бола сонига ва тарбиясига бўлган муносабатлар, ота-она ва фарзандлар орасидаги руҳий-эмоционал муносабатларнинг анчайин ўзгариб, оиласда фарзандлар сонига бўлган муносабатларда, болаларнинг ўртача сони камайишида, ота-онанинг оиласидаги анъанавий ўрни ва вазифалари бирмунча трансформацияга учраганликда, бола тарбиясида оила аъзоларининг иштироки ва масъулият даражаси кучайганлини кузатиш мумкин.

Республикада истиқомат қиласидаги ҳар бир аёл ҳамда барча катта ёшдаги оила аъзолари доимий тиббий назорат қилиб борилганда, нафақат туғма нуқсонли, чала ва кичик вазни болалар туғилишини олди олинади, балки фарзандларнинг баркамол ўсишини таъминлаш имкониятини яратади. Шундай экан, ҳомиладорлик, туғруқ ва ундан кейинги жараёнларни доимо назоратини таъминлаш, даволаш ва соғломлаштириш чора-тадбирларини кўриш, тиббий-ижтимоий тадбирларни янада кенгайтириш шу куннинг муҳим вазифасидир.

Оиласар уч турга бўлинади: кам болали, ўрта болали ва кўп болали. Бир ёки икки фарзандлари бор оиласар кам болали оиласар дейилса, уч ва тўрт фарзандлари бор оиласар ўртача болали оиласар таркибига киради. Беш ва ундан кўп фарзандли оиласар эса кўп болали оиласар ҳисобланади.

Соҳа мутахассисларининг фикрига кўра, Ўзбекистонда кўп болалиқдан ўртача болаликка ўтиш даври бошланган, республикада туғилиш даражаси келажакда бирмунча камаяди, дейиш мумкин. Туғилишни камайиши, асосан оилада 5-6 та ва ундан кейинги болаларнинг туғилиш холлари кескин камайиши ҳисобига бўлади.

Умуман олганда, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш масалалари Республикада босқичма-босқич кўпайтирилиши эътибор марказида бўлди. Бу даврга келиб, водий аҳолисининг ўртача умр кўриш даражаси 1994 йилда 69,0 ёшни ташкил этган бўлса, 2006 йилда 71,3 ёшга, 2016 йилда эса, 72,5 ёшга тенг бўлган.

2018 йил 1 май ҳолатига Ўзбекистон Республикасида 3,3 млн. нафардан ортиқ пенсия ва нафақа олувчилар мавжуд бўлиб, бу мамлакат аҳолисининг тахминан 10 фоизини ташкил этади. Ёшга доир пенсия олувчилар – 2 502,6 минг нафар, ногиронлик бўйича пенсия олувчилар – 360,3 минг нафар, боқувчисини йўқотганлик бўйича пенсия олувчилар – 168,5 минг нафар ва ижтимоий нафақа олувчилар – 294,1 минг нафарни ташкил этади. Фуқаролардан 103,1 минг нафари (ёки 3,2 фоизи) пенсияга чиққандан сўнг иш фаолиятларини давом эттиришмоқда. Мамлакат аҳолисининг қариб бориши кўрсаткичи шуни кўрсатадики, пенсия ёшидаги аҳолининг сони ўсиш тенденциясига эга (2010 йилдаги аҳолининг умумий сонига нисбатан 5,9 фоиздан 2018 йилга келиб 7,4 фоизгacha). Статистик ташкилотларнинг маълумотларига кўра, 2019 йилдан бошлаб пенсия ёшидаги аҳоли сони 9 фоиздан ортади ва 2025 йилга бориб 11 фоизга етади. Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш йўналишида ўтган давр давомида бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди. Жумладан, 2017 йил 1 апрель ҳолатига 4 та тоифадаги пенсионерлар (*I-II гурӯҳ ногиронлари, уруши қатнашчилари, маҳалла раислари ва уларнинг диний-маърифий ишлар бўйича ўринбосарлари*) тўлиқ миқдорда пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлган бўлсалар, 2019 йилнинг 1 январига келиб 31 та тоифадаги пенсионерларга 100 фоиз пенсия олиш имтиёзлари берилиб, 26,7 минг нафар (ёки 26фоиз) ишловчи

пенсионерларга тўлиқ миқдорда пенсия тўланмоқда.

Ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштиришда мумкин қадар ижтимоий сугурта бадаллари ҳисобига тўғри келиши мақсадга мувофиқдир. Ривожланган мамлакатларда шу тамойилга амал қилинади. Ўзбекистонда эса ижтимоий ҳимоялаш учун зарур маблағларнинг асосий қисми давлат томонидан қопланар эди. Мамлакатда амалга оширилаётган манзилли ижтимоий ҳимоя кенгроқ жорий этила боргани сайин ижтимоий ҳимоянинг аниқ ва ҳақиқатан муҳтож кишиларга, оиласларга етиб бориши таъминланиши йўлга қўйилди.

Тажрибадан маълумки, манзилли ижтимоий ҳимоя тизимининг амалга татбиқ этилиши давлат ҳисобидаги катта миқдордаги маблағларни тежайди. Шунга қарамасдан, республикада ижтимоий ҳимоя учун сарфланаётган маблағлар салмоғининг ўсиши ҳукумат томонидан ижтимоий ҳимоя учун зарур маблағларни меъёр даражасида ажратилишини таъминлаш чоралари кўрилган. Нархларни эркинлаштириш ва пулнинг қадрсизланиши муносабати билан ҳамда аҳоли турмуш даражасини ошириш мақсадида даромадларни мунтазам ошириш ижтимоий ҳимоя тизимида муҳим аҳамиятга эга.

Хулоса шуки, мустақиллик йилларида Фарғона водийси худудларида юз берган миграция ҳаракатларида республикада кузатилган ҳолатлар билан бирга ўзига хос хусусиятлар ҳам намоён бўлган. Миграция жараёнларининг объектив сабаблари қўйидагилардан иборат:

–мустақилликнинг дастлабки йилларида республикада бўлгани сингари водийдаги миграция ҳаракатлари асосан собиқ Иттифоқ мамлакатларига қаратилди, советлар мустамлакаси даврида мажбуран кўчириб келтирилган турли миллат вакилларининг Ўзбекистондан ўз тарихий ватанларига қайтиб кетиши жараёни юз берган ;

– собиқ тузум даврида республикага, қолаверса Фарғона водийсига келган турли миллат вакиллари, асосан славян халқларини ташкил этиб, улар асосан шаҳарларга жойлашгани боис, мустақиллик йилларида миграция жараёнлари кўпроқ шаҳар аҳолиси ҳиссасига тўғри келди, ушбу ҳаракатлар

республикадан ташқарига томон миграция ҳаракатларининг устун бўлишига олиб келди;

– мустақилликнинг дастлабки йилларида ички миграция ҳаракатларига тааллуқли бўлган жами ҳаракатлар унинг асосий йўналишлари, айниқса қишлоқ-шаҳар йўналиши бўйича кескин камайди;

– ёшларнинг босқичма-босқич билим олиш жараёнини ташкил этилиши, ўрта-максус, қасб-хунар таълимининг ихтиёрий-мажбурийлиги, ёшларни шаҳарда ўқишга ва ишлашга хоҳишини кучайиши миграциянинг қишлоқ-шаҳар йўналишини бироз тўлдирган;

– мустақиллик қўлга киритилгандан сўнг аҳолининг миграцияда қатнашувида ташқи миграция жараёнлари ҳам муҳим роль ўйнади. Турли миллатларнинг оиласиб бўлиб, ихтиёрий кўчиш жараёнлари камайиб борди. Унинг ўрнини фуқароларнинг чет элга меҳнат миграцияси эгаллади. Улар миграция эҳтиёжларидан келиб чиқиб, расмий ва норасмий ҳаракатларнинг иштирокчиларига айланган;

–мустақилликнинг дастлабки йилларида кўчиб кетувчиларнинг катта қисмини малакавий тайёргарликка эга мигрантлар ташкил этган бўлиб, ушбу ҳолат секин-аста камайиб боргани кузатилади;

– меҳнат миграцияси ҳам аҳолининг миграция ҳаракатларида асосий мезон вазифасини ўтаган. Ушбу миграцияда иштирокчиларнинг асосий қисмини ўзбеклар ташкил этганликлари боис, миграциянинг асосий ҳаракатлари вақтинча миграция тусини олган;

–мустақиллик йилларидаги миграция ҳаракатларида 20-24 ёш гуруҳларининг фаоллиги бошқа ёш гуруҳларига нисбатан устун эди;

- Ўзбекистонда амалда бўлган ижтимоий ҳимоя тизими мураккаб даврда нафақат аҳолининг ижтимоий муҳтож гуруҳларини ҳимоя қилиш билан бирга, меҳнат самарадорлигини ошириш учун рағбатларни ҳам яратилди.

-ижтимоий ҳимоя тизими мураккаб даврда нафақат аҳолининг ижтимоий муҳтож гуруҳларини ҳимоя қилишдан, шунингдек, меҳнат

самарадорлигини ошириш учун рағбатларни яратишдан ҳам иборат бўлди.

- кучли ижтимоий ҳимоя сиёсати истиқлол ва тараққиёт йўлига ишончни мустаҳкамманди, бу ишонч эса аниқ моддий замин асосида ҳосил бўлади.

- кучли ижтимоий ҳимоя сиёсати энг аввало инсон учун муносаб турмуш ва фаолият шароитларини яратади.

-муносаб турмуш даражаси инсон омилининг етук шарти бўлиб қолаётганлиги эътиборга олинса, мамлакатимизда бу масалани ҳал этишда ижтимоий ҳимоялашдан унумли фойдаланиш масаласи нечоғли аҳамиятли экани аён бўлади:

- кучли ижтимоий ҳимоя сиёсати фуқароларнинг ислоҳотларнинг изчил кечишидан манфаатдорлигини ошиб боришини таъминлайди ва бу янгиланиш жараёнининг орқага қайтишига имкон бермайдиган ижтимоий таянч бўлиб хизмат қиласи.

- мустақиллик йилларида Ўзбекистонда ижтимоий ҳимоя тизимининг ўзига хос тажрибаси ва анъаналари тўпланди ва амалиётга изчил жорий этилди;

-ижтимоий соҳада эришилган ютуқларнинг барчаси кўпни кўрган, эртанги кунга катта ишонч билан яшаётган, иродаси бақувват, иймони бутун халқимизнинг меҳнати, мардлиги ва матонатининг натижасидир.

-аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишда амалга оширилган чора-тадбирлар натижаси ўлароқ, аҳолининг ҳам даромадлари даражасига кўра ҳаддан ташқари табақаланишини ушлаб туришга, қашшоқликнинг олдини олишга ҳамда аҳоли турмуш фаровонлигини янада кўтаришга эришилди.

ХУЛОСА

1. Мустақил Ўзбекистон минтақалари ижтимоий-иктисодий ҳаётида рўй берган ўзгаришлар аҳоли турмуш тарзи ва умуман демографик жараёнларга ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмади. Бошқа давлатлардан фарқли хусусияти ҳам ушбу жараёнларда кўпроқ намоён бўлди, яъни аҳоли

сонининг ўсиш суръати ҳамда туғилиш ва ўлимнинг камайиши, аҳоли зичлиги ва жойлашувининг ўзгариши, ёш ва жинс таркибидаги мутаносиблик, ўртacha умр қўриш даражасининг ортиши, никоҳ ва ажралишнинг секинлашуви, меҳнатга лаёқатлилар салмоғининг ортиши, миграция жараёнининг фаоллашуви билан изоҳланади.

2. Бозор иқтисодиётига ўтиш ва фаол-демократик янгиланишлар шароитида минтақа иқтисодиётида инвестиция фаолиятининг таркиб топиши, нафақат ишлаб чиқаришнинг ўсишига, балки йилдан - йилга сони тобора ортиб бораётган аҳолининг турмуш даражасини кўтаришда ҳам муҳим аҳамият касб этди.

3. Туғилиш кўрсаткичларидаги ўзгаришлар, иқтисодий ислоҳотларнинг амалга оширилиши, иқтисодиётни модернизациялаш шароитида минтақанинг табиий шарт-шароит ва ресурслари, ишлаб чиқаришнинг ҳудудий ташкил этилиши, мулкчиликнинг давлат тасарруфидан чиқарилиши, хусусийлаштириш жараёнининг бошланиши ва унинг эркин рақобатга асосланиши, аҳоли турмуш шароитида ижтимоий-моддий негизларнинг бузилиши, кам таъминланганлик, ишсизлик муаммосининг кескинлашуви каби ҳолатлар аҳоли ижтимоий турмуш тарзида бевосита акс эта бошлади.

4. Шаҳар аҳолисининг умумий аҳоли динамикасига таъсири катта бўлди, чунки минтақада урбанизация даражаси паст бўлиб, миллий таркибда маҳаллий миллат вакилларининг кўплиги учун шаҳарларда туғилиш даражаси ҳам юқори эди, бу эса қишлоқларга нисбатан фарқ унчалик катта эмаслигини кўрсатади.

5. Водийда туғилиш ва табиий ўсиш кўрсаткичлари Наманган вилоятида энг юқори, Фарғона вилоятида эса аксинча, паст бўлиб келган, Андижон вилояти ўртacha ўринларни банд этиб келган, бунга иқтисодий-ижтимоий ривожланиш катта таъсир этади.

6. Яқин келажақда табиий ўсиш суръатларига боғлиқ ҳолда аҳоли сони ўсиб борса-да, лекин унинг динамикасида жиддий ўзгаришлар содир бўлмайди, яъни у мўътадил тадрижий равишда ўсиб боради.

7. Миллатлараро ҳамжиҳатлик, барқарорликнинг сақланиб қолиши ва байналмилал бирлик Ўзбекистонда жамият ҳаётининг барча жабҳаларида туб ислоҳотлар ўтказиш учун мустаҳкам шарт-шароит яратмоқда

8. Глобаллашув жараёнида одамларнинг дунёқараси, тафаккури ва турмуш тарзида қандай ўзгаришлар юз берадигани ҳақида, Ўзбекистоннинг жаҳондаги бугунги мустаҳкам ўрни, обрў-эътибори, халқаро ҳамжамият тараққиётига кўшаётган ҳиссаси тўғрисида нафақат юртдошларимиз, балки дунё жамоатчилиги, таниқли эксперталар, халқаро тадқиқотлар марказлари мутахассислари ҳам юксак эътироф этмоқдалар.

9. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларидаги сингари Фаргона водийсида ҳам турли миллатлар ўртасидаги тотувлик, бағрикенглик, тинчлик ва осойишталик сақланиб қолаверади, бу эса мамлакат тараққиёти ва буюк келажаги учун замин яратади, фуқаролик жамияти ривожланишининг асосий мезонларидан бири бўлиб қолаверади, келажаги буюк бўлган баркамол авлодни маънавий-аҳлоқий тарбиялашда муҳим омил ҳамда юртимиз равнақи ва тинчлигининг гарови сифатида хизмат қиласкеради.

10. Ўзбекистондаги миллатлараро тотувликни сақлашга доир олиб борилаётган юксак инсонпарвар сиёsat, жамиятдаги барқарорлик, ўзаро ҳурмат, ҳамжиҳатлик, бағрикенглик, меҳр-оқибат, мурувват ва шафқат, саҳоват каби эзгу фазилатлар дунёning кўплаб мамлакатлари учун ҳавас қилишга ва намуна бўлишга арзигулиқдир.

11. Мустақилликнинг дастлабки йилларида ички миграция ҳаракатларига тааллуқли бўлган жами ҳаракатлар унинг асосий йўналишлари, айниқса қишлоқ-шаҳар йўналиши бўйича кескин камайди.

12. Турли миллатларнинг оилавий бўлиб, ихтиёрий кўчиш жараёнлари камайиб борди. Унинг ўрнини фуқароларнинг чет элга меҳнат миграцияси эгаллади. Улар миграция эҳтиёжларидан келиб чиқиб, расмий ва норасмий ҳаракатларнинг иштирокчиларига айланган.

13. Мустақилликнинг дастлабки йилларида кўчиб кетувчиларнинг

катта қисмини профессионал тайёргарликка ва юқори малакага эга мигрантлар ташкил этган бўлиб, ушбу ҳолат секин-аста камайиб боргани кузатилади.

14. Мехнат миграцияси ҳам аҳолининг миграция ҳаракатларида асосий мезон вазифасини ўтаган. Ушбу миграцияда иштирокчиларнинг асосий қисмини ўзбеклар ташкил этганликлари боис, миграциянинг асосий ҳаракатлари вақтинча миграция тусини олган.

15. Республика аҳолисининг мустақиллик йилларида миграция ҳаракатларида 20-24 ёш гурухларининг фаоллиги бошқа ёш гурухларига нисбатан устун эди.

16. Муносиб турмуш даражаси инсон омилиниңг етук шарти бўлиб қолаётганлиги эътиборга олинса, мамлакатимизда бу масалани ҳал этишда ижтимоий ҳимоялашдан унумли фойдаланиш масаласи нечоғли аҳамиятли экани аён бўлади.

17. Кучли ижтимоий ҳимоя сиёсати фуқароларнинг ислоҳотларнинг изчил кечишидан манфаатдорлигини ошиб боришини таъминлайди ва бу янгиланиш жараёнининг орқага қайтишига имкон бермайдиган ижтимоий таянч бўлиб хизмат қиласди.

18. Ижтимоий-демографик вазият меҳнат ресурсларининг шаклланишида ҳал қилувчи ролни ўйнайди. Шунинг учун, демографик потенциалнинг ўсиб бориши Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти ва минтақадаги ҳамкорлик жараёнларига фаол кириб боришида асосий кафолат бўлиб ҳисобланади.

19. Бозор ислоҳотлари жараёнида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар натижаси ўлароқ аҳолининг даромадлари даражасига кўра ҳаддан ташқари табақаланишини ушлаб туришга, қашшоқликнинг олдини олишга ҳамда аҳоли турмуш даражасини кўтаришга, унинг фаровонлигини таъминлашга эришилди.

Назорат саволлари ва тест топшириқлари:

1. Ўзбекистоннинг аҳоли картасини таҳлил қилинг ва аҳолининг ўртача зичлиги қайси худудларда энг юқори эканлигини изоҳланг.
2. Ўзбекистоннинг ҳар бир вилояти урбанизатсия кўрсаткичини таҳлил қилинг.
3. Ўзбекистон аҳолисининг миллий таркиби диаграммасини чизинг ва таҳлил қилинг.
4. Ўзбекистон аҳолисининг қанча қисми ҳар бир вилоят бўйича саноат тармоқларида банд эканлигини изоҳланг.
5. Ўзбекистонда 1924 -йилгacha мавжуд бўлган шаҳарлар гурӯҳи рўйхатини тузинг.

IV.АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1-мавзу: Тарихий демография – демографик жараёнларнинг мамлакатлар ва халқлар тарихидаги динамикаси ва ҳолатини, демография фанини ривожланиши тарихини ўрганадиган фанлараро йўналиш. (2 соат)

Режа:

1. Тарихий демография – демографик жараёнларнинг мамлакатлар ва халқлар тарихидаги динамикаси ва ҳолатини.
2. Демография фанини ривожланиши тарихини ўрганадиган фанлараро йўналишлар.

Амалий машғулотининг ўқитиш технологияси.

Вақти – 2соат	Тингловчилар сони: _____ нафар.
Ўқув машғулотининг шакли	Билимларни чуқурлаштириш ва кенгайтириш бўйича амалий машғулоти.
Семинар машғулотининг режаси	<ol style="list-style-type: none">1. Тарихий демография – демографик жараёнларнинг мамлакатлар ва халқлар тарихидаги динамикаси ва ҳолатини.2. Демография фанини ривожланиши тарихини ўрганадиган фанлараро йўналишлар.
<p><i>Ўқув машғулотининг мақсади:</i> Тингловчиларда Тарихий демография – демографик жараёнларнинг мамлакатлар ва халқлар тарихидаги динамикаси ва ҳолатини, демография фанини ривожланиши тарихини ўрганадиган фанлараро йўналиш мавзусига оид билимларни чуқурлаштириш ва кенгайтириш</p>	
<i>Педагогик вазифалар:</i> - Мавзу бўйича билимларни кенгайтириш ва	<i>Ўқув фаолиятининг натижалари:</i> Талаба: Тарихий демография – демографик жараёнларнинг мамлакатлар ва халқлар

чукурлаштириш; -билимларни таққослашни, умумлаштиришни, тахлилни тизимлаштириш кўникмаларини ҳосил қилиш; -ўз фикрини шакллантириш ва билдириш жараёнини ташкил қилиш; -коммуникатсия, гурухларда ишлиш кўникмаларини ривожлантириш.	тариҳи ҳақида маълумотлар бера олади. Демографик жараёнларни изоҳлаб бера олади. Мамлакатлар ва халқлар тариҳидаги динамикаси тўғрисида ўз тушунчаларига эга бўлади. Демография фанини ривожланиши тарихини ўрганадиган фанлараро йўналишлар тўғрисида илмий – амалий маълумотлар бера олади.
Ўқитиш услуби ва техникаси	Мунозара, тақдимот, блитц-сўров, баён қилиш.
Ўқитиш воситалари	Маъруза матни, дарслик ва ўқув қўлланмалар, маркер, скоч, қофоз.
Ўқитиш шакли	Оммавий, гурухий.
Ўқитиш шарт-шароити	Гурухларда ишишга мўлжалланган ўқув хонаси


Амалий машғулотининг технологик картаси.

Босқичлар, вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	Талаба
1-bosqich машғулотга кириш (10 дақиқа)	1.1. Мавзу мақсади, режалаштирилган натижаси ва уни ўтказиш режасини айтади 1.2. Тингловчиларни фаоллаштириш мақсадида мавзу бўйича асосий тушунчаларга таъриф беришни таклиф қиласи ва шу асосида блитц – сўров	1.1. Диққат билан тинглайдилар, ёзиб оладилар. 1.2. Саволларга жавоб


	ўтказади	берадилар.
2-босқич. Асосий (60 дакика.)	<p>2.1. Тингловчиларни гурухга ажратади. Ўқув топшириқларини тарқатади. Ҳар бир талаба гурух баҳосига мос равишда баҳо олишини тушунтиради, гурухларда ишлаш қоидалари билан таништиради. Гурухларда ишлаш натижаси А4 бичимидағи қоғозларда күрсатилиш кераклигини маълум қиласи. Мавзу муҳокамаси гурухларда ишлар тақдимотидан сўнг давом этишини эълон қиласи.</p> <p>2.2. Вазифа бутун гурух томонидан бажарилишини эълон қиласи. Вазифани бажаришда дарслик, маъруза матнлари, конспект дафтарлари ва бошқа кўлланмалардан фойдаланиш мумкинлигини тушунтиради. Кутилаётган ўқув натижаларини эслатади.</p> <p>2.3. Тақдимот ва гурухларда ишлаш натижаларини ўзаро баҳолашни ташкил этади. Жавобларни шарҳлайди, билимларни умумлаштиради, вазифани бажариши жараёнидаги асосий хулосаларга эътиборни қаратади.</p>	<p>2.1. Ўқув топшириқларини баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари билан таништиради, вазифаларни бажарадилар.</p> <p>2.2. Тақдимот қиласи, тўлдиради, бошқа гурухларга саволлар беради ва ўзаро баҳолашни амалга оширади. Ёзиб оладилар.</p> <p>2.3. Эслаб қолади, ёзади. Ҳар бир саволга жавоб беришга ҳаракат қиласи. Схема ва жадваллар</p>

		мазмунини муҳокама қиласиди.
3-босқич. Якуний (10 дақиқа.)	3.1. Машғулотга якун ясайди, хулосаларни умумлаштиради, гурӯҳларда фаол иштирок этган тингловчиларни баҳолайди.	3.1. Эшигади, аниқлаштиради.

1-гурухга. Кластерни тулдиринг




2-гурух балиқ склети организрини тўлдиринг



3-гурӯҳ ВЕН диаграммасини тўлдиринг

Топшириқ: Ўзбекистоннинг меҳнат ресурслари картасини таҳлил қилинг ва ҳар бир вилоят бўйича меҳнат ресурсларининг тақсимланишини таҳлил қилинг.



2-АМАЛИЙ ИШ. Ўзбекистонда мустақиллик йилларида демографик жараёнлардаги ўзгаришлар: аҳоли ўсиши ва жойлашиши, аҳоли ёш таркибига таъсири. Республикада урбанизациянинг ривожланиш хусусиятлари. (2 соат)

Режа:

1. Мустақиллик йилларида демографик жараёнлардаги ўзгаришлар
2. Аҳоли ўсиши ва жойлашиши, аҳоли ёш таркибига таъсири.
3. Республикада урбанизациянинг ривожланиш хусусиятлари.

Вақти – 2 соат	Тингловчилар сони: _____ нафар.
Ўқув машғулотининг шакли	Билимларни чуқурлаштириш ва кенгайтириш бўйича амалий машғулоти.
Семинар машғулотининг режаси	<ol style="list-style-type: none"> 1. Мустақиллик йилларида демографик жараёнлардаги ўзгаришлар 2. Аҳоли ўсиши ва жойлашиши, аҳоли ёш таркибига таъсири. 3. Республикада урбанизациянинг ривожланиш хусусиятлари.
<p>Ўқув машғулотининг мақсади: Тингловчиларда Ўзбекистонда мустақиллик йилларида демографик жараёнлардаги ўзгаришлар: аҳоли ўсиши ва жойлашиши, аҳоли ёш таркибига таъсири. Республикада урбанизациянинг ривожланиш хусусиятларимавзусига оид билимларни чуқурлаштириш ва кенгайтириш</p>	
<i>Педагогик вазифалар:</i>	<p>Ўқув фаолиятининг натижалари:</p> <p>Талаба:</p> <p>Ўзбекистонда мустақиллик йилларида демографик жараёнлардаги ўзгаришлар ҳақида маълумотлар бера олади.</p> <p>Аҳоли ўсиши ва жойлашишинизоҳлаб бера олади.</p> <p>Аҳоли ёш таркибига таъсири тўғрисида ўз тушунчаларига эга бўлади.</p> <p>Республикада урбанизациянинг ривожланиш хусусиятлари тўғрисида маълумотлар бера олади.</p> <p>Ўзбекистонда мустақиллик йилларида демографик жараёнлардаги ўзгаришлар: аҳоли ўсиши ва жойлашиши хусусиятлари. изоҳлаб бера олади.</p>
Ўқитиш услуби ва техникаси	Мунозара, тақдимот, блитц-сўров, баён қилиш.
Ўқитиш воситалари	Маъруза матни, дарслик ва ўқув қўлланмалар, маркер, скоч, қофоз.
Ўқитиш шакли	Оммавий, гурухий.
Ўқитиш шарт-шароити	Гурухларда ишлашга мўлжалланган ўқув хонаси

Амалий машғулотининг технологик картаси.

Босқичлар, вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	Талаба
1-босқич машғулотга кириш (10 дақика)	<p>1.1. Мавзу мақсади, режалаштирилган натижаси ва уни ўтказиш режасини айтади</p> <p>1.2. Тингловчиларни фаоллаштириш мақсадида мавзу бўйича асосий тушунчаларга таъриф беришни таклиф қиласи ва шу асосида блитц – сўров ўтказади</p>	<p>1.1. Диққат билан тинглайдилар, ёзиб оладилар.</p> <p>1.2. Саволларга жавоб берадилар.</p>
2-босқич. Асосий (60 дақика.)	<p>2.1. Тингловчиларни гурӯҳга ажратади. Ўқув топшириқларини тарқатади. Ҳар бир талаба гурӯҳ баҳосига мос равишда баҳо олишини тушунтиради, гурӯҳларда ишлаш қоидалари билан таништиради. Гурӯҳларда ишлаш натижаси А4 бичимидағи қоғозларда кўрсатилиш кераклигини маълум қиласи. Мавзу муҳокамаси гурӯҳларда ишлар тақдимотидан сўнг давом этишини эълон қиласи.</p> <p>2.2. Вазифа бутун гурӯҳ томонидан бажарилишини эълон қиласи. Вазифани бажаришда дарслик, маъруза матнлари, конспект дафтарлари ва бошқа қўлланмалардан фойдаланиш мумкинлигини тушунтиради. Кутилаётган ўқув натижаларини эслатади.</p> <p>2.3. Тақдимот ва гурӯҳларда ишлаш натижаларини ўзаро баҳолашни ташкил этади. Жавобларни шарҳлайди, билимларни умумлаштиради, вазифани бажариши жараёнидаги асосий хуносаларга эътиборни қаратади.</p>	<p>2.1. Ўқув топшириқларини баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари билан таништиради, вазифаларни бажарадилар.</p> <p>2.2. Тақдимот қиласи, тўлдиради, бошқа гурӯҳларга саволлар беради ва ўзаро баҳолашни амалга оширади. Ёзиб оладилар.</p> <p>2.3. Эслаб қолади, ёзади. Ҳар бир саволга жавоб беришга ҳаракат қиласи. Схема ва жадваллар</p>

		мазмунини муҳокама қилади.
3-босқич. Якуний (10 дақиқа.)	3.1. Машғулотга якун ясайди, хуносаларни умумлаштиради, гурӯҳларда фаол иштирок этган тингловчиларни баҳолайди.	3.1. Эшигади, аниқлаштиради.

1-гуруҳ учун топшириқ:

Муаммонинг тури	Муаммонинг сабаблари ва кўринишлари	Муаммони ҳал этиш учун ҳаракатлар
Мустақиллик йилларида демографик жараёнлардаги муаммоси		

2-гуруҳ учун топшириқ:

Муаммонинг тури	Муаммонинг сабаблари ва кўринишлари	Муаммони ҳал этиш учун ҳаракатлар
Аҳоли ўсиши ва жойлашиши, аҳоли ёш таркибига таъсири муаммоси		

3-гуруҳ учун топшириқ:

Муаммонинг тури	Муаммонинг сабаблари ва кўринишлари	Муаммони ҳал этиш учун ҳаракатлар
Ўзбекистоннинг мехнат ресурслари муаммоси		

4-гурӯҳ учун топширик:

Муаммонинг тури	Муаммонинг сабаблари ва кўринишлари	Муаммони ҳал этиш учун ҳаракатлар
Республикада урбанизациянинг ривожланишидаги муаммоси		

3-мавзу. Глобаллашув даврида Ўзбекистон жаҳон миграция жараёнларининг ажralmas қисми сифатида. Мехнат миграцияси.2 соат)

Режа:

- Глобаллашув даврида Ўзбекистон жаҳон миграция жараёнларининг ажralmas қисми сифатида.
- Мехнат миграцияси.

Вақти – 2соат	Тингловчилар сони: _____ нафар.
Ўқув машғулотининг шакли	Билимларни чуқурлаштириш ва кенгайтириш бўйича амалий машғулоти.
Семинар машғулотининг режаси	<ol style="list-style-type: none"> Глобаллашув даврида Ўзбекистон жаҳон миграция жараёнларининг ажralmas қисми сифатида. Мехнат миграцияси

Ўқув машғулотининг мақсади: Глобаллашув даврида Ўзбекистон жаҳон миграция жараёнларининг ажralmas қисми сифатида. Мехнат миграциясимавзусига оид билимларни чуқурлаштириш ва кенгайтириш

<i>Педагогик вазифалар:</i>	<i>Ўқув фаолиятининг натижалари:</i> Талаба: Туркистон ўлкасида ҳарбий-мамурий ҳокимият тизимининг юзага келиши ҳақида маълумотлар бера олади. Туркистон генерал-губернаторлигида ҳокимият тузумини ва унинг функцияларини изоҳлаб бера олади. Россия империясининг Туркистондаги миллий сиёсатининг ўзига хос хусусияти тўғрисида ўз тушунчаларига эга бўлади. Россия империясининг кўчирувчилик сиёсати тўғрисида маълумотлар бера олади. Ҳокимият, политсия ва суд органлари, фаолият доирасининг кенгайиши. Россия
- Мавзу бўйича билимларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш; -билимларни таққослашни, умумлаштиришни, таҳлилни тизимлаштириш кўникмаларини ҳосил қилиш; -ўз фикрини шакллантириш ва билдириш жараёнини ташкил қилиш; -коммуникатсия, гурухларда ишлаш кўникмаларини ривожлантириш.	

	империясининг Туркистондаги миллий сиёсатининг ўзига хос хусусиятини изоҳлаб бера олади.
Ўқитиш услуби ва техникаси	Мунозара, тақдимот, блитц-сўров, баён қилиш.
Ўқитиш воситалари	Маъруза матни, дарслик ва ўқув қўлланмалар, маркер, скоч, қофоз.
Ўқитиш шакли	Оммавий, гурухий.
Ўқитиш шарт-шароити	Гурухларда ишлашга мўлжалланган ўқув хонаси

Амалий машғулотининг технологик картаси.

Босқичлар, вакти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	Талаба
1-босқич машғулотга кириш (10 дақиқа)	<p>1.1. Мавзу мақсади, режалаштирилган натижаси ва уни ўтказиш режасини айтади</p> <p>1.2. Тингловчиларни фаоллаштириш мақсадида мавзу бўйича асосий тушунчаларга таъриф беришни таклиф қиласи ва шу асосида блитц – сўров ўтказади</p>	<p>1.1. Диққат билан тинглайдилар, ёзиб оладилар.</p> <p>1.2. Саволларга жавоб берадилар.</p>
2-босқич. Асосий (60 дакика.)	<p>2.1. Тингловчиларни гурухга ажратади. Ўқув топшириқларини тарқатади. Ҳар бир талаба гурух баҳосига мос равишда баҳо олишини тушунтиради, гурухларда ишлаш қоидалари билан таништиради. Гурухларда ишлаш натижаси А4 бичимидағи қофозларда кўрсатилиш кераклигини маълум қиласи. Мавзу муҳокамаси гурухларда ишлар тақдимотидан сўнг давом этишини эълон қиласи.</p> <p>2.2. Вазифа бутун гурух томонидан бажарилишини эълон қиласи. Вазифани бажаришда дарслик, маъруза матнлари, конспект дафтарлари ва бошқа қўлланмалардан фойдаланиш мумкинлигини тушунтиради. Кутилаётган ўқув натижаларини эслатади.</p> <p>2.3. Тақдимот ва гурухларда ишлаш натижаларини ўзаро баҳолашни ташкил</p>	<p>2.1. Ўқув топшириқларини баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари билан таништиради, вазифаларни бажарадилар.</p> <p>2.2. Тақдимот қиласи, тўлдиради, бошқа гурухларга саволлар беради ва ўзаро баҳолашни амалга оширади. Ёзиб оладилар.</p>

	этади. Жавобларни шарҳлайди, билимларни умумлаштиради, вазифани бажариши жараёнидаги асосий хуносаларга эътиборни қаратади.	2.3. Эслаб қолади, ёзади. Ҳар бир саволга жавоб беришга ҳаракат қиласди. Схема ва жадваллар мазмунини муҳокама қиласди.
3-босқич. Якуний (10 дақиқа.)	3.1. Машғулотга якун ясайди, хуносаларни умумлаштиради, гурӯҳларда фаол иштирок этган тингловчиларни баҳолайди.	3.1. Эшитади, аниқлаштиради.

Илова -1.

Гурӯҳларда ишлани қоидаси

- Шеригингизни диққат билан тингланг.
- Гурӯҳ ишларида ўзаро фаол иштирок этинг, берилган топширикларга жавобгарлик билан ёндашинг.
- Агар ёрдам керак бўлса, албатта мурожаат килинг.
- Агар сиздан ёрдам сўрашса, албатта ёрдам беринг.
- Гурӯҳлар фаолиятининг натижаларини баҳолашда ҳамма иштирок этиши шарт.
- Аниқ тушунмоғимиз лозим:
- Бошқаларга ўргатиш орқали ўзимиз ўрганамиз!
- Биз битта кемадамиз: ёки биргаликда сўзиб чиқамиз, ёки биргаликда чўкиб кетамиз.

Илова -2.

1 – гурӯҳ.

1. Узоқ муддатли прогнозлар ва давлатнинг ижтимоий-иктисодий ривожланиш мақсадли дастурлари (кластер).

2 – гурӯҳ.

2. Миллий мақсадлари индикаторларини шакллантириш. (кластер).

3 – гурух.

3.Иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурларини ишлаб чиқиш ва барқарор ривожлантириш (кластер).

4 – гурух.

Мехнат ресурслари жойлашуви ва улардан фойдаланиш жараёнларини ўрганиш, илмий тадқиқотлар олиб бориш учун муҳимхусусиятлар. (кластер).

Илова -3.

Тақдимотни баҳолаши мезонлари ва қўрсаткичлари

Гурухлар	Баҳолаши қўрсаткичлари ва мезонлари			
	Мавзунинг ечими	Тушунтириши(ан иқлиқ ,мантиқийлик)	Гурух фаоллиги	Жами
1	0,8	0,8	0,4	2
2				
3				
4				

«Т»-SXEM

Урбанизация

Миграция

1-ilova. “B-BX-BO” jadvalini to’ldiring.

№	Mavzu savollari	Bilaman	Bilishni xohlayman	Bilib oldim
1.	Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони.			
2.	Фаннинг манбашунослиги ва тарихшунослиги			
3.	«Ойкумена» сўзининг маноси			

ББ техникасининг қоидаси

- | |
|--|
| <ol style="list-style-type: none"> Инсерт техникасидан фойдаланган ҳолда матнни ўқиб чиқинг. Олинган маълумотларни индивидуал соҳаларга ажратинг. Қалам билан қўйилган белгилар асосида ББ жадвални тўлдиринг. |
|--|

2-илова.


КОНЦЕПТУАЛ ЖАДВАЛ

	ТАҚҚОСЛАНГ		
	ИЧКИ СИЁСАТ	ТАШҚИ СИЁСАТ	МАЙДОНИ
Ўзбекистон			

3-илова.

«Балиқ скелети» техникаси.

Ушбу технология катта муаммоларнинг ечимини топишга қаратилган. Юқори қисмida муаммолар тури ёзилса, пастки қисмida эса мисоллар билан изоҳланади.




4-илова. ВЕН диаграммасини тузиш қоидаси:

1. Ақлга келган барча фикрни ёзиш.
2. Фоянинг сифатини мухокама этмаслик.
3. Орфографик ва бошқа жиҳатларга эътибор бермаслик.
4. Ажратилган вақт тугамагунча ёзувни тўхтатмаслик.
5. Фоялар сони ва ўзаро алоқадорлигига эътибор бериш.

Кўқон ва Хива хонликларидағи бошқарув тизими,

Ижтимоий хўжалик ҳаёт ва маданият



